БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 13 декабрь Пайшанба
№ 238 (13.674).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

АХБОРОТ

1990 йил 11 декабрь куни КПСС Марказий Комитетининг Пленумида тушган таклифлар ва мулоҳазалар ҳар томонлама кўриб чиқилиб, муҳокама қилинганидан кейин «Иттифоқ шартномасининг концепцияси ва партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида»ги масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Пленум КПСС XXVIII съезди комиссиясининг «Партия органларидаги имтиёзлар тўғрисида»ги ахборотини тинглади. Бу ҳақда комиссия раиси — «Ростсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Ю. А. Песков ахборот берди. Муҳокамадан кейин КПСС Марказий Комитети ва Марказий Назорат комиссиясининг қарори қабул қилинди.

КПСС Марказий Комитетининг котиби Г. И. Янаев КПССдан сайланган ССЖИ халқ депутатларининг иши тўғрисида Пленумни хабардор қилди. Фикрлашувни ҳисобга олиб, халқ депутатлари советларидаги коммунистларнинг фаолияти тўғрисидаги масалани Марказий Комитетнинг навбатдаги Пленумида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Пленум КПСС Марказий Комитетининг партия молиявий-хўжалик фаолияти масалалари комиссиясини тузди ва КПСС Марказий Комитети комиссияларининг маслаҳатчиларини тасдиқлади.

Марказий Комитет Пленуми Е. Е. Соколов ва В. М. Мовсисяннинг Белоруссия ва Арманистон Компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи котиблари сифатидаги фаолияти тўхтатилганлиги муносабати билан уларни КПСС Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзолари вазифаларидан озод қилди.

Пленум яширин овоз бериш йўли билан Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби А. А. Малофеевни ва Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби С. К. Погосянни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари этиб сайлади.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.



Бу қиз Феруза Миротаева бўлади. Комсомол аъзоси. Шарқ гули номидаги Тошкент бадиий буюмлар ишлаб чиқариш фабрикасининг филиалида ишлайди. Унинг бу ердаги фаолиятига кўп бўлгани йўқ. Лекин дугоналари орасида ҳурмати баланд. Негаки, у ўта хушфеъл, шу билан бирга илғор.

СУРАТДА: тўқувчи Ф. Миротаева.

Суратчи: Ҳ. СОЛИҲОВ.

Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съездининг қарори

УЗБЕКИСТОН ЛКЁИнинг «КОМСОМОЛ УЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ ВА РАВНАҚИ УЧУН» ҲАРАКАТНОМАСИ ТУҒРИСИДА

1. Ўзбекистон ЛКЁИнинг «Комсомол Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва равнақи учун» Ҳаракатномаси тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси, Марказий Назорат Комиссияси, комсомол қўмиталари, Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съезди делегатлари 1991 йилнинг 1 мартигача бўлган давр мобайнида комсомол ва ёшлар орасида Ўзбекистон ЛКЁИ Ҳаракатномасининг дастурий мақсадларини тушунтириш бўйича иш олиб борсин.

(«ҲАРАКАТНОМА»нинг тўла матнини 2-бетда ўқийсиз).

ХУСУСИЙЛАШТИРИШГА ТАЙЁРЛАНИШМОҚДА

Навоий шаҳар маиший хизмат бирлашмасида асосий фондларини одамларга хусусий мулк сифатида ва ижарага бериш юзасидан ҳужжатларни ишлаб чиқиш тугалланмоқда. Хусусийлаштиришни жадаллаштиришда уларга дастлабки хусусий корхоналар иш тажрибаси ёрдам берди.

Чунончи, ҳозирнинг ўзидаёқ бир нечта сартарошхона ижара усулида ишламоқда. Сартарошлар ҳозир фақат белгиланган миқдордаги даромадни топширишаяпти, шундан ошиғини эса ўзларига олиб қолишмоқда. Биринчи январдан бошлаб шаҳар маиший хизмат бирлашмасининг амалда барча объектлари хусусий кишилар қўлига ўтади. Мутахассисларнинг фикрича бу мижозларга хизмат кўрсатишни анча яхшилаш имконини беради. Рақобатга асосланган янгича иш қоидалари хизмат кўрсатишдаги кўпгина муаммоларни ҳал этиш имконини беради.

Навоий.

НУРОБОДДАГИ ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР

«Ўзбекгидроэнергострой» бош пудратчи трестининг жамоаси бу йилни яхши кайфият билан тугалламоқда. Янги Ангрен ГРЭСи қурувчилари ва ходимлари яшайдиган Нуробод қўрғонида 150 ўринли касалхона ва кунига 200 кишини қабул қила оладиган поликлиника фойдаланишга топширилди.

Шу тариқа ҳозир тўққиз мингдан зиёд одам истиқомат қилаётган ва тез ўсиб бораётган Нурободда ниҳоятда ўткир ижтимоий муаммо ҳал этилди. Илгари одамлар шифокордан маслаҳат олиш ёки даволаниш учун Оҳангаронга ёҳуд Ангренга боришларига тўғри келарди. Тиббиёт комплексини фойдаланишга топшириш билан бу ерда амалда ижтимоий-маиший объектлар қурилиши тугалланди. Нурободда бир нечта типовой болалар боғчаси, мактаблар, қаҳвахонаси ҳам бўлган ёшлар маркази ва катта дўкон бор.

Энергетикларнинг бошқа бир навқирон манзилгоҳи — Қашқадарё вилоятидаги Нуристон қўрғонида ҳам ижтимоий соҳа равон ривожланмоқда. «Ўзбекгидроэнергострой» трестининг ишчилари бу ерда яқинда мактаб, бир неча уй, савдо марказини фойдаланишга топширдилар. Қарши чўлидаги бу қўрғон, энди ишончли сув ва иссиқлик таъминоти системаси билан таъминланган. Бу айниқса муҳимдир, чунки Талимаржон ГРЭСи келаси йилдан бошлаб қурувчи энергетиклар учун асосий объект бўлиб қолади.

Биринчи саҳифага мактуб

НЕГА КЎРАГОНИЙ ДЕЙИЛАДИ?

Муҳаммад Тарағай Баҳодир Ибн Амир Темур Кўрагонийни бутун дунё билади. Ҳамонки унга сажда қилиб, сиғинувчилар бор. Биздан кўра хорижда кўпроқ. Аммо, соҳибқирон ҳазратлари не сабабдан Кўрагон деб юритилади?

Манбаларда таъкидланишича, саркарда Амир Темур Чингизхон уруғидан бўлган аёлга уйланиб ана шу Кўрагон номини олган, шундан сўнг, қўл остидагилар унга амир, подшо, хон сифатида итоат этган дейилади.

Қариялардан, эски ўзбек илмидан хабардор муллалардан, зиёлилардан бу ҳақда суриштирдим. Ана шунда менга бир афсонавий ривоятни айтиб беришди. Бу, менингча ҳақиқатга яқинроқ.

...Амир Темур беш вақт намозга турганда, «Ассалому алайкум, раҳматуллоҳ» деб ўнги-сўлга қараш жараёнида бир муддат узоқларга тикилиб қоларкан... Ва, ғубор орасидан Макка-ю мукаррамани кўраркан. Бир куни соҳибқирон онасидан сўрабдилар: — Она, нега одамлар ўнги-сўлга тезгина қараб олишади, менга Макка-ю мукаррама ғубор орасида базўр кўринади, улар шунчалик етишишганми, бунча тез кўришади деб. Шунда онаси мийиғида кулиб: — «Ҳа, болам, одамлар шунчалик етишишган», — деган экан. Кўрагон номи ана шу тахлит пайдо бўлган экан.

Ҳусан Мирзо Улуғбекка ҳам шу нисбат берилади. У киши эса бутун дунё фазо илми олимларини ҳайратга солувчи «Зижи Кўрагоний»ни кашф этган. Балки, муҳтарам олимларимиз ўз фикрларини айтишар? Ҳар ҳолда, қишлоқ қариялари ва муллаларидан эшитган ушбу ривоятим ҳам ҳақиқатга яқин бўлса керак?

Жалол ЯХШИБОЕВ,
Қашқадарё вилояти,
Нишон ноҳияси.

ДАРДИНИ КИМГА АЙТСИН?

Оддий деҳқон эртадан то кеч тинмай, терга ботиб меҳнат қилаверади. Лекин бири икки бўлмайди. Айниқса, ҳозирги чайқовчилик, юлғунчилик «гуллаб яшнаётган» замонда.

Мана, мол гўшти нархи 13 сўм, қўй гўшти 15 сўмга «чиқиб олди». Аввал ҳафтада 1 кило гўштни зўрға қозонга солган деҳқон бугун 15 сўмга сотиб оладими? Чаноқларда шилинган қўллар арзимас пулни олади-ю бозорга бориб, нозик қўлли чайқовчи юлғичга топширади. Қани оддий халққа ачиниш? Ҳамма нарса чайқовчининг қўлида. Дўконларда сифатсиз, яроқсиз маҳсулотларни учратасиз холос. Яхши харидоргир моллар дўконларнинг орқа эшигидан «равона» бўлаётир. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари, маҳаллий ҳокимиятдагиларнинг бундан хабари йўқ деб, ўйлайсизми? Бор. Лекин ҳануз кўриб кўрмаганга олишаяпти. Амалда эса ҳеч қандай натижа йўқ. Чунки уларнинг қорни тўқ, усти бут. Улар нимаики хоҳласа муҳайё. Оддий меҳнаткашга ҳеч ким қайрилиб боқмайди. Хўш, маслаҳат беринг. Энди нима қилмайлик?

Неъмат УСМОНОВ,
Фарғона вилояти.

«РЎЗНОМА НОМИНИ ЎЗГАРТИРИШ КЕРАК»...

...«Рўзноманинг номини ўзгартириш керак. «Ёш ленинчи» ўрнига ўзбек халқига оид бўлган ғурурланувчи, ватанпарварликка чорловчи, жасоратга, мустақилликка, ўз халқимизни улуғловчи ном керак. Тарихимизни эслатиб турувчи ажойиб, ҳикматли ном бўлсин. Таклифларим: «Туркистон ўғлонлари», «Турон ёшлари», «Туркистон юлдузлари», «Ҳурмат белгиси» ордени ўрнига эса Фарҳод ёки Рустам жасоратини кўрсатувчи, Алпомиш ёки Широқ қиёфасининг тасвири берилиши тарафдоримиз...

М. ХУДОЙНАЗАРОВ,
Тошкент шаҳри.

* * *

Ҳозирги миллий низоларнинг сабабини кўп излаймиз, чуқур ўйланамиз. Айниқса бир элатга, бир қавмга мансуб бўлган туркийларнинг ўзаро келишмовчиликлари мени кўп қайғуга солади.

Турон нақадар қадимий ном. Мен рўзномани «Ёш Туронлар» деб номланишини истардим. Ўрта Осиёлик ёшлар оталаримизнинг хатоларини тузатиб, энди бир-бировини қозоқ, ўзбек, қирғиз, тожик деб миллат ажратмасдан туркистонликмиз дейишларини истардим. Рўзноманинг шундай атамаси зора бирлигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилса...

Вазира АБДУРАҲМОНБЕК қизи,
Тошкент шаҳри.

* * *

«Ёш ленинчи» рўзномасида берилаётган мақолаларни ўқир эканман, журналистларимизнинг довюракликги, тинимсиз меҳнатлари, ўткир қалам тебратишлари эвазига рўзнома юзини кўраётган дадил мақолалари мени доимо ларзага солади. Рўзномани «Навқирон Ўзбекистон» деб аталишини жуда-жуда хоҳлардим. Чунки заҳматкаш журналистларимизни мусаффо осмонимиздаги қоп-қора тунни ёритиб турувчи юлдузларга қиёслагим келади.

М. ҲАЙДАРОВА,
ТошДД IV-курс талабаси.

* * *

Ўзбекистоннинг келажаги, ҳақиқий мустақилликка эришиши ёшларга боғлиқ. Ёш авлод ҳақиқий илм олиб жамият равнақи, жумҳуриятимиз келажаги йўлида хизмат қилса кўп орзу-умидларимиз рўёбга чиқади деб умид қиламан. Бу йўлда бизнинг рўзномамиз улар учун маёқ бўлади. Шунинг учун ҳам номини «Ўзбекистон ёшлари» деб атагим келади.

Г. МИРЗАҲОШИМОВА,
журналист.

ТАҲРИРИЯТДАН: Ҳа, муштарийларимиз маънавий озуқасига айланган рўзнома номини ўзгартириш, унда ўзбек ёшлари ўз овозига эга бўлишлари, шунингдек, миллий онгни уйғотувчи, ўзбек ғурурини ҳис қилдирувчи тарих ва маданиятимизни билдирувчи жумҳуриятимизда энг илғор рўзнома бўлиб қолишини истайди. Келаётган мактублар бунга далолат. Ном беришда рўзномамиз муштарийлари фикрига муштоқмиз.

Рўзнома шиорига келсак «Бутун дунё пролетарлари бирлашингиз!» шиори бугунга келиб ўз аҳамиятини, қимматини йўқотди. Ўрнига ёшларни дадиллик ва жасоратга ундовчи, маънавий дунёмизни ёритувчи ўткир нур каби бош шиор керак.

Демак фикрларингизни кутамиз.

Шу сўнгги хабар

Синов кетидан парвоз келади

— Дейлик, сиз парвоз бекалигига қабул қилиндингиз. Турмушга чиққач, ўртоғингиз: «бошқа учмайсан», деса-чи?

— Тайёрагоҳ ҳовлисини супуришгаям тайёрман!

Ўтган куни Ўзбекистон фуқаро авиацияси Тошкент учиш мажмуаси борт кузатувчилари хизматида бошланган бўлажак парвоз бекалари танловида бундай савол-жавоблар тез-тез қулоққа чалиниб турди.

Илгари хабар қилганимиздек, тошкентлик борт кузатувчилар хизмати ташаббускор гуруҳи жумҳурият фуқаро авиацияси бажарадиган учишларда маҳаллий миллат қизларининг кенгроқ жалб этилиши ҳаракати билан чиққан эди.

Матбуот ва нуфузли идораларнинг қўллаб-қувватлаши натижасида бу ерда илк бор ўзбек қизларидан, шунингдек, давлат тилларидан ни мукаммал биладиган ёшлардан парвоз бекаларини танлаб олишга имкон туғилди. Дастлабки кунги суҳбат, савол-жавобларда ўттиз нафарга яқин 18 ёшдан 24 ёшгача бўлган қизлар иштирок этдилар. Талабчан ҳайъат уларнинг билимини, дунёқараши ва касбга бўлган қизиқишини синовдан ўтказди.

— Ҳозирча натижа ёмон эмас, — дейди ташаббускор гуруҳ раҳбари Абдурасул Тошпўлатов. — Биринчи кунноқ 17 нафар қиз парвоз бекалигига лаёқатли эканлигини намойиш этди. Бироқ ҳақиқий синовлар олдинда.

Дарҳақиқат, танлов ҳали ниҳоясига етгани йўқ. Самовий касбга меҳр қўйган қизларни саралаш давом этмоқда. Илк имтиҳондан ўтган қизларни шунингдек, тиббий кўрик кутади. Ана шундан кейингина улар парвозга йўл олишлари мумкин.

Синов кетидан парвоз келади.

Сувонқул РУСТАМ,
танлов ҳайъати аъзоси.

Арманд Хаммер вафот этди

САН-ФРАНЦИСКО. Америка савдо-саноат доираларининг атоқли вакили, «Оксидентл петролеум» компанияси директорлари кенгашининг раиси Арманд Хаммер Қўшма Штатларда 92 ёшида вафот этди. АП агентлигининг хабар қилишича, у узоқ давом этмаган касалликдан сўнг душанба куни кечқурун ўз уйида вафот этди.

Парламент қарори

ТБИЛИСИ. Грузия Олий Кенгашининг сессияси 1922 йилда ташкил топган Жанубий Осетия мухтор вилоятини бекор қилиш тўғрисидаги қонунни бир овоздан қабул қилди. Парламент 9 декабрь куни Цхинвалида ўтказилган ССЖИ таркибидаги Жанубий Осетия Совет демократик жумҳурияти Олий Кенгаши сайловини ҳам ғайриқонуний деб топди.

Грузия прокуратурасига «конституцияга зид айирмачиликда айбдор шахслар»ни аниқлаш топширилди.

Қозоғистон Президенти билан учрашув

Иттифоқ шартномаси мустақил жумҳуриятларнинг тубдан янгиланган иттифоқи самарали қурилмаси бўлган ҳужжат сифатида зарурдир, деди 11 декабрь куни Москвада Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев. У совет ва чет эл журналистларининг иттифоқдош жумҳуриятлар раҳбарлари билан режалаштирилган ўзига хос илк учрашувларидан бирига айланди.

Президент Қозоғистон ССЖ Давлат Мустақиллиги тўғрисидаги декларацияни шарҳлаб берди, унда жумҳуриятда яшаётган халқларни жипслаштириш ва дўстлигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари умумдекларациясини ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи эркин белгилаш ҳуқуқини тан олиш биринчи даражали вазифа эканлигини таъкидлади.

Н. А. Назарбоев бўлажак иттифоқ шартномасига тааллуқли бир қанча мулоҳазаларни баён этар экан, лойиҳа хусусида баъзи танқидий мулоҳазаларни билдирди. У, жумладан, Қозоғистон ССЖ шартноманинг ҳар қандай жиҳатини кўриб чиқиш ва ҳал этиш чоғида барча жумҳуриятлар иқтисодиёт ва сиёсатнинг ўзаро боғлиқлигидан келиб чиқадиган жамиятнинг яхлитлигига интилишлари кераклигига асосланишини қайд этди. Жумҳуриятларнинг ўзи, уларнинг халқлари мустақил жумҳуриятларнинг янгиланган иттифоқига муҳтож эканлигига чуқур ишонаман, деб таъкидлади Президент.

(ТАСС).

Шу сўнгги хабар

Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг Ҳаракатномаси жамиятимиздаги ёшларнинг ўткир муаммоларини ҳал қилиш, инсонпарвар, демократик социализм қуриш йўлларини излашни таърифлаб беради.

НИМАГА ИНТИЛАМИЗ

Ўзбекистон ЛКЁИнинг бош мақсади — йигит-қизларнинг эркин камол топиши, уларнинг ижодий имкониятларини тўла намоён этишларини таъминловчи жамият барпо этиш, иттифоқимиз аъзолари ва унга хайрихоҳларнинг фуқаролик, сиёсий, ижтимоий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда амалга ошириш учун кучларини бирлаштиришдан иборат. Иттифоқ ёш фуқароларга сиёсий маданиятни эгаллашга, умумхалқ муросасига ва миллатлараро тотувликка эришишга ёрдам беради, умумбашарий қадриятларни, миллий ва байналмилал манфаатларни ҳимоя қилади.

ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ:

— Ўзбекистон Шўро Социалистик Жумҳуриятни мустақил, демократик, юксак ривожланган бўлиши учун курашади;

— ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш учун Ўзбекистон Коммунистик фирқаси, демократик ижтимоий бирлашмалар билан ҳамжиҳатлик қилади ва сиёсий ечимлар ишлаб чиқади;

— ёш фуқароларга виждонан қилган меҳнатлари билан ўзлари ва ўз оилалари учун моддий ҳамда маънавий шарт-шароитларни яратиш имкониятини берадиган бозор иқтисодиёти йўли учун курашади;

— мустақил ва яхлит ёшлар сиёсатини ўтказиш ташаббускори бўлади, шундан келиб чиқиб, фаолияти Ўзбекистон Шўро Социалистик Жумҳурияти Конституциясига зид бўлмаган ёшлар ташкилотларининг блокини ташкил этади;

— социалистик ғояга, догматизмдан холи ва жаҳон тарихи, жумҳуриятимиз ривожи тажрибасининг кенг кўламли таҳлилига асосланган ижтимоий тараққиёт тушунчасини ўзлаштириб олишда ўз аъзоларига кўмак беришга интилади;

— ўз оммавий ахборот воситалари орқали аъзоларига ва ёшларга жумҳурият ҳамда мамлакатдаги, хорижий эллардаги тенгкурлари қандай яшаётгани ҳақида ахборот беради;

— Ўзбекистон ЛКЁИнинг келажаги — бу инсонпарвар, демократик социализм қуриш йўлида бирлашган, бир-бирига ва барча ёшларга ёрдам беришга тайёр бўлган эътиқодли ўртоқларнинг кўнгилли иттифоқидир. Бу — Ўзбекистонимизни севувчи йигит-қизларнинг, турли хил халқлар фарзандларининг биродарлигидир.

БИЗНИНГ ҲАРАКАТЛАРИМИЗ:

I. ТУРМУШНИНГ МУНОСИБ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТИШ УЧУН

Ўзбекистон комсомоли жумҳурият давлат раҳбариятининг қуйидаги тадбирларни амалга оширишига эришади:

Ўзбекистон ССЖнинг «Ўзбекистон ССЖда давлатнинг ёшлар сиёсати тўғрисида»ги Қонунини қабул қилишни, меҳнат қилиш имкониятидан маҳрум бўлган йигит-қизлар манфаатларини, уларнинг меҳнат қилиш конституциявий ҳуқуқларини қўллаб-қувватлашни таъминлаш. Йигит-қизлар мактабни, ҳунар-техника билим юртини, олий ва ўрта махсус ўқув юртини тамомлагандан кейин, шунингдек, захирага бўшатилган ёш аскарларни дастлабки иш ўрни билан давлат томонидан таъминланишни кафолатлаш.

Болалар, ўсмирлар, ёшларни оила хўжаликларида, ширкатларда, корхоналарда эксплуатация қилишдан ҳуқуқий ва иқтисодий ҳимоя қилишни таъминлаш; давлат кўмаги бериш йўли билан ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш.

Жумҳуриятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожлантириш режаларида ҳамда жойлардаги тегишли режаларда «Ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш» бўлимини назарда тутиш ва унинг бажарилиши учун молиявий-моддий ресурслар ажратиш.

Ёшлар корхоналарида, қишлоқ хўжалик пудрат жамоаларида ишчи ўринларини кенгайтириш, халқ ҳунармандчилиги, косибчилиги бўйича ёшлар устахоналари ташкил этиш ва ҳунармандлар тайёрлаш юзасидан комсомолнинг саъйи ҳаракатларини, шунингдек, йигит-қизларнинг якка тартибда меҳнат фаолиятини қўллаб-қувватлаш.

Ёшларнинг ҳаракатномалари ва лойиҳаларига пул ва моддий маблағлар йўналтириладиган, ёшлар учун маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган, хизмат кўрсатадиган ва ишчи ўринлари ташкил этадиган корхоналарни ҳамда ташкилотларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш. Ёшлар омилкорлигини имтиёзли қарзлар ва солиқлар миқдорини камайтириш орқали қўллаб-қувватлаш.

Экологик ҳалокат минтақаларида ва аввало — Қорақалпоғистон Мухтор Шўро Социалистик Жумҳуриятида, Хоразм ва Бухоро вилоятларида болаларнинг, ўсмирларнинг, ёшларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш учун жаҳон жамоатчилигининг имкониятларини жалб этиш билан махсус давлат ҳаракатномасини қабул қилиш; Оролнинг муаммосини ҳал этишга халқаро ҳамжамиятни жалб қилиш.

II. КОМСОМОЛ-ЁШЛАР УЧУН
ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ

1991—93 йилларда шаҳарларда ва қишлоқ ноҳияларида ёшларнинг махсус хизматини ташкил этади. У комсомолнинг, халқ депутатлари Шўроларининг ҳокимияти ҳамда ресурслари кўмагида барча ёшлар ташкилотларининг ташаббусини бирлаштиради, меҳнат жамоаларини, ширкатларни, маҳалла қўмиталарини, жамоатчиликни, диний ташкилотларни рағбатлантиради.

Халқ депутатлари Шўролари ҳузурида ёшлар жамғармалари ташкил этиш учун халқ депутатлари маҳаллий Шўролари ўз бюджетига тушадиган фойдадан олинадиган солиқлар барча тушумларининг бир фоиздан кам бўлмаган миқдори ажратилиши тўғрисида қарор қабул қилишларига эришади.

Ишсизларни, кам даромадли, кўп болали иттифоқ аъзоларини, айниқса хотин-қиз ва ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаларини таъсис этиш учун маблағлар излаб топишни комсомол ташкилотларининг бурчи, деб ҳисоблайди.

Ёшлар уй-жой комплексларини ташкил этиш, йигит-қизлар учун якка тартибда уйлар ва хонадонлар қурилишини ёшлар кучи билан барпо этиш ҳаракатини бундан буён ҳам фаол қўллаб-қувватлайди ва уларга молиявий ёрдам берилишига эришади.

Ёшларнинг эҳтиёжларини қондириш учун йирик комсомол корхоналарини, биринчи навбатда, «Спутник» халқаро ёшлар сайру саёҳат бюросини, «Ёшлар уйи»ни, «Ёш гвардия» нашриётини ва матбаа комбинатини мулкчиликнинг илғор шаклларига ўтказади.

Юртдошларимизнинг ҳарбий хизматни ўташ чоғида инсонийлик, фуқаролик ва миллий ғурури шак-шубҳасиз ҳурмат қилиниши учун курашади, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатади. Шу мақсадда байналмилал аскарлар ва заҳирадаги жангчиларнинг Кенгашларини қўллаб-қувватлайди.

— халқ таълимини ривожлантиришга кўмаклашиш, жумҳуриятдаги ночор мактабларни таъмирлашда ва тиклашда қатнашиш, болалар уйларига ва интернат мактабларга оталиқ қилиш;

— истеъдодли ўқувчилар ва талабаларга буюк шахсларнинг номлари билан аталадиган оширилган нафақалар белгилаш; нафақалар миқдори яшаш минимумидан кам бўлмаслигига эришиш;

— ғоят муҳтож бўлган ўқувчиларга ва талабаларга моддий ёрдам кўрсатиш, улар учун имтиёзли овқатланишни жорий қилишга эришиш.

ЁШ ЗИЁЛИЛАР УЧУН:

— ёш олимлар ва мутахассисларнинг илмий-тадқиқотларини, кашфиётларининг натижаларини жорий қилишга, ёш муаллифларнинг илмий асарларини, бадиий асарларини нашр қилишга, шу жумладан, ўз матбаа имкониятларидан фойдаланиб, кўмаклашиш;

— ёш ижодий ва илмий зиёлиларни рағбатлантириш учун уюшма мукофотларидан ва Усмон Носир номидаги мукофотлардан фойдаланиш;

— «Спутник» халқаро сайру саёҳат бюроси йўналиши бўйича саёҳат сафарларига имтиёзли йўлланмалар, шунингдек, мамлакат ва хориждаги илмий ҳамда ижодий марказларга маълум мақсад кўзда тутилган сафар учун йўлланмалар бериб бориш;

— ёш ижодий ходимлар учун қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилиб, унинг фаолиятини таъминлашга ижодий уюшмалар жалб этилади;

— ёш ижодкор ходимларнинг ётоқхона-уйи қурилади;

— Ўзбекистон ойнаи жаҳонида ва радиосида махсус ёшлар каналлари ёки студиялари, Ўзбекистон ЛКЁИ органлари — янги ойномалар ва альманахлар таъсис этиш:

Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг «Комсомол Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва равнақи учун»

ҲАРАКАТНОМАСИ

Собиқ байналмилал аскарлар, ёш ногиронлар касб-корга эга бўлишларига кўмаклашади.

Турли қатламдаги ёшларнинг аниқ муаммоларини ҳал этишга ҳаракат қилади ва қуйидагиларга эришади:

ИШЧИ ЁШЛАР УЧУН:

— ёш ишчиларнинг малакасини ошириш мақсадида уларни доимий аттестациядан ўтказиш, меҳнат ва турмуш шарт-шароитларини яхшилаш;

— янги техника, асбоб-ускуналар, уй-жойлар, йўлланмалар тақсимланиши, халқ истеъмоли моллари билан таъминланиши пайтида ёш ишчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

— корхоналарнинг ишлаб чиқариш бўлинмаларини ижарага олган ёш ишчилар ва мутахассисларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

— ишчи ётоқхоналарини жиҳозлашда, ёшлар учун кўлбола спорт иншоотларини барпо этишда қатнашиш.

ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИ УЧУН:

— уй-жой қуриш учун ер, қурилиш материаллари ва қарзлар олишга ёрдам бериш;

— ижара бригадалари ва звенолари ташкил этиш учун ижарага ер ажратиб беришга, шунингдек, ёш оилаларга томорқа учун ер ажратиб беришга эришиш;

— қишлоқларни ободонлаштириш билан амалий шуғулланиш;

— қишлоқда миллий спорт турларини қайта тиклаш;

— ёш ҳамқишлоқларнинг мамлакат ва хорижий эллар бўйлаб мунтазам саёҳат сафарларида бўлишини таъминлаш.

ЎҚУВЧИ ЁШЛАР ВА ТАЛАБАЛАР УЧУН:

— иқтисодий фаолиятни, ишбилармонлар тайёрлаш юзасидан минтақалар ва халқаро мактаблар билан ҳамкорликни ривожлантириш, ўқувчилар ва талабаларда омилкорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашда ўқувчилар ҳамда талабалар комсомол ташкилотларига кўмаклашиш;

— талабалар шаҳарчаларини ободонлаштиришни ва талабалар ётоқхоналарини таъмирлашни ривожлантиришда қатнашиш, уларнинг ҳузурида ёшлар корхоналарини ташкил этишга маблағ ажратиш;

— талаба ёшларни мувофиқлаштириш ва ахборот билан таъминлаш юзасидан ижтимоий тузилма ташкил этиш борасидаги талабаларнинг хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш;

III. МАЪНАВИЙ ВА МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ УЧУН
ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ:

Буюк мутафаккир ва инсонпарвар, ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер Навоийнинг 550 йиллиги ва бошқа буюк миллий маданият арбобларининг умумхалқ байрамига комсомол ва ёшларни кенг жалб қилади.

Ёш истеъдодларни излаб топиш ва уларни қўллаб-қувватлаш давлат ҳаракатномасини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда, шу мақсадда тузилган Улуғбек номидаги ижтимоий-давлат жамғармасининг ривожланишига самарали улуш қўшиш учун интилади. Жумҳуриятнинг юксак тафаккур имкониятини яратишга хайриҳоҳ бўлган, фан, техника, сиёсат соҳаларининг ёш пешқадамлари тезроқ етишиб чиқиши учун шарт-шароит яратишга хизмат қилувчи барча кишилар билан ҳамкорлик қилади. Истеъдодли жумҳурият ёшларининг мамлакат ва хорижий эллардаги етакчи илмий-техник марказларда таҳсил олишини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Ўзбек халқининг тили, маданияти ва анъаналари, жумҳуриятдаги бошқа миллий маданиятларнинг тикланиши ҳамда равнақ топиши учун ғамхўрлик кўрсатади. Ёшлар жаҳон маданияти ютуқларини эгаллашлари тарафдори. Ўзбекистон халқларининг тарихи ва маданиятини ўрганиш, тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш юзасидан ёшлар бирлашмалари шунингдек, ҳаваскор адабиётчилар, ўзбек маданияти дўстлари клубларининг, эски ўзбек имлоси тўгаракларни таъсис этилишини ва уларнинг фаолиятини сиёсий, маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Жумҳуриятдан ноқонуний тарзда олиб чиқиб кетилган Ўзбекистоннинг тарихий ва маданий бойликларини қайтаришга эришади. Шаҳарларда ва ноҳияларда спортнинг миллий турлари бўйича ёшлар спартакиадалари ўтказишни таклиф этади.

Янгиланаётган Шўро Иттифоқининг барча жумҳуриятлари комсомол ва ёшларига дўстлик қўлларини чўзади. Комсомол ташкилотларини Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг қардошларча ҳамкорлигининг очилаётган янги имкониятларига қўшилишга чақиради.

Ўзбекистон комсомоли Ўзбекистон ССЖ Ёшлар ташкилотлари қўмитаси билан ҳамкорликда ўзбек ёшларининг Жаҳон фестивалини ўтказишга тайёр; давлат томонидан ёш ватандошларимиз билан алоқаларини яхши йўлга қўйишга ҳар жиҳатдан кўмак берилиши зарур деб ҳисоблайди.

IV. ЁШЛАР — ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИНИНГ ФАОЛ КУЧИ
ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ:

Комсомолларни жумҳурият, вилоят, шаҳар, ноҳия, қишлоқ, посёлкани бошқариш ишларига жалб қилади. Шу мақсадда мавжуд комсомол оммавий ахборот воситаларидан фойдаланади ва янгиларини ташкил этади, ҳокимият органларига ёшларнинг наказларини, таклифларини тайёрлайди.

Ёш фуқаролар давлат ҳокимиятининг барча органларида кенг ваколатга эга бўлишлари зарур, деб ҳисоблайди. Сайловларда Ўзбекистон Комфирқаси ташкилотлари, барча демократик ижтимоий кучлар билан тенг ҳуқуқли сиёсий иттифоқ тузишга тайёр.

Барча даражадаги Шўроларнинг халқ депутатларини — комсомоллар, иттифоқ аъзоси бўлмаган ёшларни, шунингдек, давлат ҳокимияти органларида ёш фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ким амалда ҳимоя қилса, ўшаларни қўллаб-қувватлайди. Халқ депутатлари Шўроларида, меҳнат жамоалари кенгашларида ва касаба уюшмаларида комсомол-ёшлар фракциялари тузишга кўмаклашади; Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши ва Қорақалпоғистон Мухтор Шўро Социалистик Жумҳурияти Олий Кенгашининг ёшлар ишлари бўйича қўмитаси, маҳаллий Шўролардаги айнан шундай комиссиялар билан ҳамкорлик қилади.

Давлат ҳокимияти ва жамоат ўз-ўзини бошқарув органларида ёшлар манфаатини ҳимоя қилишга қодир бўлган номзодларини тайёрлашда ва уларни сайловларда кўрсатишга кўмаклашади. Ёш депутатлар фаолиятини ахборот, илмий, тарғибот ва ташкилий-сиёсий жиҳатдан таъминлаш, Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ҳузуридаги Ёшлар институтида тайёрлаш, уларни иттифоқдош жумҳуриятлар ва хорижий мамлакатлар парламентларида стажировкадан ўтказиш мақсадида ёш депутатларни қўллаб-қувватлаш жамғармасини таъсис этади.

Йигит-қизларнинг турмуш даражаси, ижтимоий ўзини англашга тааллуқли бўлган барча қарорларни қабул қилиш пайтида ёшлар синов тажрибалари ва ошкораликни талаб этади. Ёшларнинг муаммоларини тадқиқ қилиш жамғармасини тузади.

V. БИЗ БИРГАЛИКДА КУЧЛИМИЗ
ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ:

Комсомоллар ва хайриҳоҳ ёшларнинг манфаатлари йўлида демократик ва ижтимоий асосларни ривожлантиради. Ишлаб топилган маблағлардан комсомол-ёшлар ҳаракатномаларини, ижтимоий аҳамиятга молик манфаатлар бўйича тузилмаларни молиявий таъминлашда фойдаланади.

Бошланғич комсомол ташкилотларининг ноҳия, шаҳар, вилоят комсомол ташкилотлари доирасида, шунингдек, минтақалараро ва жумҳурият даражасида ёшлар муаммоларини ҳал қилувчи ассоциацияларга бирлашишини қўллаб-қувватлайди, бунда кўпгина комсомоллар манфаатлари ҳудудий комсомол ташкилотлари билан ўзаро боғлиқдир.

Зарур ҳолларда истиқомат жойлари, ижтимоий аҳамиятга молик манфаатлар бўйича бошланғич комсомол ташкилотларига бирлашишга кўмаклашади.

Шаҳар, ноҳия комсомол қўмиталари ҳузурида комсомоллар ва барча ёшлар учун очиқ бўлган сиёсий мунозара клубларини тузади, ёшлар ўртасида ҳуқуқли мулоқотни ривожлантиради.

Жумҳурият кашшофлар ва бошқа болалар ташкилотларига моддий-молиявий, илмий-методик ёрдам кўрсатиш, шунингдек, иттифоқ аъзоси бўлмаган ёшлар билан яқин узвий алоқада бўлиш, уларни комсомол ишига жалб этиш, иттифоқимизга ўтишлари учун тарғибот олиб бориш комсомолнинг ҳаётий масаласи деб ҳисоблайди. Барча комсомол ташкилотларини Ўзбекистон ЛКЁИ энг ёш отряди — ўқувчиларнинг ўқув юртларида мустақиллиги тўғрисида ғамхўрлик кўрсатишга даъват этади.

Ўз сафларида онгли ва кўнгилли равишда меҳнаткашлар манфаатлари йўлида коммунист бўлишга қарор қилганларни тарбиялашга интилади.

* * *

Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг Ҳаракатномаси ана шундай.

Ўзбекистон комсомоли мустақил сиёсий тажрибага эга бўлишни, ҳам шахсий мақсадда, ҳам тенгдошларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ёшлар сиёсатидан баҳраманд бўлишни, долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал этишни истаган ҳаммага очиқдир.

Иттифоқимизни ёшлар учун зарур, сиёсий мустақил ташкилотга фақат комсомолларнинг ўзлари айлантира оладилар. Йигит ва қизларни сафларимизда жипслашишга даъват этамиз!

«Комсомол мустақил ва равнақ топган Ўзбекистон учун» Ҳаракатномасига ёки унинг исталган нуқтаи назарига, шунингдек, уларни рўёбга чиқаришга умумбашарий қадриятларни ва Ўзбекистон ССЖ давлат тузумини эътироф этувчи барча ёшлар ва бошқа ташкилотлар қўшилишлари мумкин.



Нодира Мамажонова Тошкентдаги «Орзу» чарм-атторлик ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилади. Илғор тикувчини мабодо эрта-индин қор ёғиб, қишнинг изғиринли кунларида қўлингизга қўлқоп кийсангиз, эсланг. Бу қўлқопларни Нодиранинг дугоналари тикишади. Сифатли ва бежиримликда улар хорижникидан асло қолишмайди.

СУРАТГА тушаётган Нодиранинг чеҳрасидаги табассум боиси ҳам ана шунда.

Ҳ. СОЛИҲОВ олган сурат.

Воқеа арафасида

Яқинда матбуотда «Иттифоқ шартномаси» лойиҳаси эълон қилинди ва у кенг жамоатчилик томонидан муҳокама этилмоқда. Лойиҳанинг ижобий томонларини қисман эътироф этган ҳолда, ундаги қатор камчиликларга биз ҳам ўз фикрларимизни билдиришни лозим топдик.

ИТТИФОҚ ШАРТНОМАСИ: У ИМЗОЛАНАДИМИ?!

Бизга маълумки, амалдаги қонунчиликка кўра, «шартнома» деб икки ёки бир неча тарафларнинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ўзаро келишувларига айтилади. Қолаверса, шартноманинг асосий шарти ҳам тарафларнинг муайян натижага эришишга қаратилган ўзаро келишувлари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам жумҳуриятимиз президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, жумҳуриятларга марказдан юборилган «Иттифоқ шартномаси»нинг мазкур вариантига имзо чекиб бўлмайди. Сабаби, уни ишлаб чиқишда жумҳуриятларнинг иштирок этмагани кўриниб турибди, у имзолаш учунгина жумҳуриятларга марказдан юборилган, ваҳоланки, мазкур ҳужжат лойиҳаси шартномада қатнашувчи мустақил жумҳуриятларнинг ҳамкорлигида ишлаб чиқилиши зарур эди.

Шартнома лойиҳасида таҳрирга муҳтож ва аниқлик киритишга зарурат бўлган жойлари анчадир. Жумладан: «Асосий қоидалар» деб номланган биринчи бўлим, 1-қисм, 1-бандининг «шартномада қатнашувчи ҳар бир жумҳурият» сўзларидан сўнг «сиёсий, иқтисодий ва социал ривожланишни мустақил равишда ҳал этадиган суверен давлатдир, (сўнгра текст бўйича) деган қўшимчани киритиш зарур.

Шу қисмнинг 2-бандидаги «...ваколатлар доирасида» деган сўзлардан кейин «мувофиқлаштиришни амалга оширадиган мустақил федератив давлатдир» деб ўзгартириш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу бўлим 2-қисмининг охирида банд бошидан қуйидаги жумлани киритиш зарур: «Жумҳуриятларнинг миллий қадриятлари, урф-одатлари ҳамда анъаналари шу жумҳуриятнинг қонунлари билан ҳимоя қилинади ва мазкур жумҳуриятлар ҳудудларида истиқомат қилувчи бошқа барча миллат вакиллари бу миллий қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналарни бузганликлари, уларни амалга оширишга тўсқинлик қилганликлари ва уларга қарши чиққанликлари учун амалдаги қонунларга кўра жавобгарликка тортиладилар».

Шу бўлим 3-қисмига қуйидагича янги бандни киритишни лозим топамиз:

«Ҳар бир иттифоқдош жумҳурият ўз ҳудудида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Умумий декларациясини ва халқаро битимларни Олий Кенгаш томонидан ратификация қилишлари ва шу умуминсоний қадриятлар асосида иш олиб бориши тавсия қилинсин».

Шартноманинг II-бўлими «Иттифоқнинг тузилиши» деб номланиб, бу бўлимнинг 2-моддасида фуқаролик тўғрисида сўз юритилади. Бунга биноан «ССЖ Иттифоқига кирувчи жумҳурият фуқароси айни пайтда ССЖИ фуқаросидир», деб қайд этилган. Бироқ халқаро ҳуқуқ нормаларида икки фуқароликка барҳам бериш масалалари қайд этилган. Шундан келиб чиққан ҳолда иттифоқдош жумҳуриятларнинг фуқаролари айни пайтда Иттифоқ фуқароси бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблаймиз.

Мазкур бўлим 4-моддаси 3-бандини қуйидаги янги банд билан бойитишни лозим топамиз: «Жумҳуриятлар ўз миллий манфаатларига мос битимлар тузадилар».

Иккинчи бўлимнинг 5-моддаси бутун лойиҳанинг туб ўзагини ўзида мужассамлаштирган модда бўлиб, унинг 3-бандидаги «божхона ишларини» ва 4-бандидаги «олтин запас ва олмос жамғармасини сақлаш ҳамда улардан жумҳуриятлар билан келишиб фойдаланиш» ваколатларини Иттифоққа бериб бўлмайди.

Шунингдек, умумий валютага асосланган ягона фондни Иттифоқ миқёсида ташкил этишни мустақил жумҳуриятларнинг манфаатларига мос келмайди, деб ҳисоблаймиз.

Ва ниҳоят, мазкур модданинг 5-бандидаги ягона ёнилғи энергетика системасини, магистрал қувурларни бошқариш, геодезия, картография системаларини бошқариш ҳамда табиий ресурслардан фойдаланиш ваколатларини Иттифоққа беришлик шартномада қатнашувчи жумҳуриятларнинг мустақиллигини инкор этишдан бошқа нарса эмас.

Лойиҳадаги 6-модданинг номини «Иттифоқдош жумҳуриятларнинг ваколатлари» деб ўзгартириш мантиқан тўғри бўлур эди. Бу моддага кирган ҳар иккала бандни чиқариб ташлаб, уларни қуйидагича янги таҳрирда баён этиш лозим: «Иттифоқ ихтиёрида бўлган ваколатлардан ташқари бошқа барча ваколатлар иттифоқдош жумҳуриятларга тегишлидир».

«Иттифоқнинг ҳеч бир ваколати иттифоқдош жумҳуриятларга ва ўз навбатида иттифоқдош жумҳуриятларнинг ваколатлари Иттифоққа берилишига йўл қўйилмайди».

Лойиҳанинг 7-моддаси 2-бандидаги «...буларнинг...» деган сўздан бошланган жумлалари нуқтагача тушириб қолдирилиши керак.

Лойиҳа 7-моддасининг 3-бандини тушириб қолдириб, уни қуйидаги янги бандда баён этиш лозим:

«Иттифоқдош жумҳуриятлар ҳудудларида мулкчилик билан боғлиқ бўлган барча муносабатлар шу жумҳуриятлар қонунлари билан тартибга солинади».

Биз шартномада қатнашувчи жумҳуриятларнинг тамоман мустақиллигини ҳисобга олган ҳолда лойиҳадаги 8-модданинг 2-бандини бутунлай чиқариб ташлашни ва уни қуйидагича янги таҳрирда баён қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

«Иттифоқдош жумҳуриятлар ҳудудларида йиғиладиган барча турдаги солиқлар ва йиғимлар шу жумҳуриятларнинг бюджетларига келиб тушади».

«Иттифоқ ваколатларини амалга ошириш мақсадида иттифоқдош жумҳуриятларнинг миллий даромадларидан Иттифоқ бюджетига томонларнинг ўзаро келишувига биноан қатъий белгилаб қўйилган фоизлар ҳисобида ажратмалар ажратилиши мумкин».

Бизнинг фикримизча, лойиҳанинг 9-моддаси «Қонунлар» деб эмас «Норматив актлар» деб номланиши керак.

Мазкур модданинг 3-бандини тушириб қолдириш лозим.

«Ҳокимият ва бошқарув идоралари» деб номланган III-бўлимнинг 10-моддаси тушириб қолдирилиб, уни қуйидагича янги таҳрирда баён этишни ўринли деб топамиз:

Иттифоқ ҳокимият ва бошқарув идоралари шартномада қатнашувчи мустақил жумҳуриятларнинг туб вакилларидан иборат таркибида, қатъий тенглик асосида ташкил этилади».

11-модданинг 2-бандини «Иттифоқ кенгашини...» деган сўзлари нуқтага қадар тушириб қолдирилиши ва у қуйидагича баён этилиши керак:

«Олий Кенгашнинг Иттифоқ ва Миллатлар палатаси шартномада қатнашувчи мустақил жумҳуриятларнинг вакилларидан иборат таркибда вакиллик сони қатъий белгиланган нормаларга мувофиқ тенглик асосида ташкил этилади».

Ушбу модданинг 3-бандини бутунлай тушириб қолдириб, унинг ўрнига қуйидаги янги бандни киритишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз: «Миллатлар Кенгашида ССЖИда яшовчи барча халқларнинг ва миллий ҳудудий тузилмаларнинг вакиллигига кафолат бериш шартномада қатнашувчи мустақил жумҳуриятлар зиммасига юклатилади».

Лойиҳанинг 12-моддасидаги «ССЖИ Президенти» сўзларидан сўнг «Иттифоқ ваколатлари доирасида...» (сўнгра матн бўйича) сўзлари билан тўлдириш лозим.

Лойиҳадаги 14-моддани қуйидаги янги банд билан тўлдириш зарурга ўхшайди: «Федерация Кенгаши ўз аъзолари аксарият кўпчилигининг иштирокисиз бирон-бир масалани ҳал этишга ваколатли эмас».

15-модданинг 1-бандини тушириб қолдириб, уни қуйидагича янги мазмун билан тўлдириш зарур: «ССЖИ Вазирлар Маҳкамаси Иттифоқ шартномасида қатнашувчи мустақил жумҳуриятларнинг Бош Вазирларидан, шунингдек, Иттифоқ Бош Вазиридан ва унинг ўринбосарларидан иборат таркибида ташкил топади».

Ушбу модданинг 2-бандига зарурат йўқ, деб ҳисоблаймиз.

Шартнома лойиҳасининг 19-моддасини «Иттифоқнинг давлат тили» деб эмас, балки, «Иттифоқнинг миллатлараро алоқа тили» — деб номлаш мантиқан тўғри бўлур эди.

Ва ниҳоят, биз ушбу лойиҳани янги бир IV-бўлим билан бойитиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Бу «Иттифоқ шартномасини бажармаганлик, бажаришга тўсқинлик қилганлик ва уни амалга ошириш тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик», — деб номланади.

Мазкур бўлим шартномада қатнашувчи тарафларнинг шартнома шартларига амал қилиш борасидаги масъулиятларини оширишга хизмат қилади, деган умиддамиз.

Бизнинг фикримизча, муҳокама жараёнида пишиб етиладиган мазкур ҳужжат янги Иттифоқ шартномасида қатнашувчи мустақил жумҳуриятларнинг умумманфаатларига хизмат қилиши ва федерациянинг барпо этиш сари қўйиладиган дастлабки қадам бўлиши, шубҳасиздир. Бироқ, ҳужжатнинг ҳозирги Марказ тиқиштираётган вариантини шартнома қатнашчилари имзолармикан?! Буни вақт кўрсатади.

Бу борадаги бизнинг нуқтаи назаримизни эса, жумҳурият Президенти И. А. Каримов яқинда бўлиб ўтган жумҳурият ва Бутуниттифоқ оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан бўлган учрашувда аниқ ва лўнда баён этди.

И. МАМАНОВ,
М. ИСОМИДДИНОВ,
ҳуқуқшунослар.

ХОНАДОНДА БОЛАЛАР БОҒЧАСИ

Янгийўл шаҳрида яшовчи ҳайдовчи Ғуломқодир Усмоналиевнинг уйида 3-болалар боғчасининг тармоғи сифатида хонадон-боғча очилди. Уй бекаси Насиба Усмоналиева 7 нафар болани тарбиялашга киришди. Боғчага зарур анжомлар, ўйинчоқлар келтирилди, озиқ-овқат билан таъминланаяпти.

Ҳозир шаҳардаги мавжуд 23 та боғчада 4 мингдан ортиқ бола тарбияланмоқда. Икки минг бола эса навбатда турибди. Ўринлар етишмаяпти. Шаҳар Шўроси хонадон боғчалар тармоғини кенгайтириш, хусусий уйларни сотиб олиб боғчаларга айлантириш йўли билан бу муаммони қисман бўлсада ҳал қилиш тадбирларини амалга оширмоқда.

(ЎзТАГ).

ДЎСТЛАР СОВҒАСИ

Ҳамид Олимжон номидаги Қарши дорилмуаллимини кутубхонаси бир йўла неча юзлаб китоб билан бойиди. Ўзбекистондаги олий ўқув юртларининг бирига Тожикистон Давлат дорилфунунининг жамоаси шундай совға қилди.

Туҳфа қилинган китобларнинг ҳаммаси тожик тилида чиқарилган. Олимлар, журналистлар, жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат делегация бу китобларни Душанбедан олиб келди. Ўзбекистонда яшаётган тожикларни ўз она тилларида ўқитишни ташкил этиш муаммоларига бағишлаб конференциялар ва суҳбатлар ўтказилди. Дарвоқе, Қашқадарёда кейинги йилларда бир неча тожик мактаби пайдо бўлди. Айни пайтда ўқитувчилар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари етишмаётганлиги қаттиқ сезилмоқда.

Ушбу муаммони ечиш учун Қарши дорилмуаллиминида тожик тили ва адабиёти гуруҳи тузилди. 25 нафар толиби илм олий ўқув юртини тугатганидан сўнг ўзбек ва тожик тиллари ҳамда адабиётидан дарс бериш ҳуқуқига эга бўлади.

(ЎзТАГ).



ФАТВО БЕРИНГ БИЗГА, ОТАХОН!

ЕТМИШ ЙИЛ! Чори бобо ва Бибиш момонинг бир ёстиққа бош қўйганларидан буён ўтган давр бу. Эҳ-ҳе. Неча-неча булоқлар кўз очмади, қанчалар улкан тоғлар битиб, адо бўлмади. Бу дамда. Кесилган дарахт, экилган ниҳолчи? Чўллар гулзорга, боғлар биёбонга айланди. Кимлар келиб кетмади. Бу дунёга. Чоли-кампирнинг ҳаётидаям ўзгаришлар кўп бўлди. Невара, чевара, эвара куёвларнинг ўзи 200 нафардан ошиқ. Фарзандлари эса олти нафар. Катта ўғил Барат ва қизлари Норгуллар қариликнафақасини олишади. Иккинчи ўғил Барак филология фанлари номзоди, доцент. Қаршидаги муаллимлар олийгоҳида сабоқ беради. Суюн вилоятдаги кўптармоқли болалар касалхонасининг олий категорияли врачи. Мавлон ва Гулзоралар эса далачи.

— Уйланганимда аёлим 13 ёшда эди, — дейди Чори бобо. — У ҳам ўзимдек камбағал оиласидан. Йўқчилик қурсин. Илгари ота-она ҳарна бир текин-томоқ камаяр, деб қизини шу ёшда турмушга бераверишарди. Хайр баракa, бораканми, ёки итоаткор эканмизми. Ота-онанинг гапи қонун эди. Айтгани-айтган, дегани-деган! Ўзгартириб кўрчи?!

Қариндош-уруғ, яқинлар, бола-чақасининг қуршовида ўйнаётган чолнинг ёши 91 га қараб кетяпти. Елкадан хиёл кўтарилган бармоқларга термуламан. Унда тўфонли йилларнинг изи. Шўрони тиклашдаги саргардонлик десамми, Улуғ Ватан уруши йилларидаги изтиробларми у, ё. Балки ҳануз, ҳар-ҳар замонда хумори тутиб қўлга олинадиган чўпон таёғи белгисидир у. Ёки адирларни дупури тутган бедовлар юганининг изи ҳам бордир.

Чори бобо Каримов умрининг кўпини саҳро, тоғу-тошлар бағрида ўтказди. Мол боқиб, сурувлардан сурувлар яратди. Бойлиги, орттиргани болалари — невара-чеваралари. Қанийди, у киши етиштирган жун, қоракўлларнинг миқдорини ҳисоблаб бўлса.

Сурат! Унда кампири билан 90 ёшли Чори бобо ўйинга тушмоқда. Мен эса аср билан тенгдош чол билан ғойибона суҳбат қураман.

— Бўтам, узоқ яшадим. Яратганга шукурки, кам бўлганим йўқ. Олатасир кунларнинг кўпига шоҳидман. Одамзод ҳаммасини кўраркан. Бир подшо юрт бошига келиб, улингни мардикорга бер, деди. Бердик. Иккинчиси бир кило буғдой ўғрисини ҳам отишга ҳукм қилди. Чидадик. Бирови жўхори эк деди. Амри вожиб бўлди. Яна бошқаси уни инкор этиб, ўрнига узум экдирди. Замонасидан ўргулай. Янгиси токзорларни қўпортириб, алламбалолар қилди. Бу бевафо дунёда шу экан. Тупроқни тўқсон йил чангитибманки, бир бошлиқнинг ишини кейингиси давом эттирганини кўрмадим. Ҳаммасининг араваси бошқа-бошқа.

Гапимдан ўксима улим. Мункайган чолнинг сўзида бу. Аммо бир нимага имон келтирганман. Подшолар келиб-кетади. Бу тупроқда халқ қолади. Халқ. Ёмону-яхшисигаям чидайди. У бир оқим. Бошқаришни билсанг бас. Бир зайл чайқалгани-чайқалган.

Ўйларим чувалиб кетади. Кўз ўнгимга етти кун оила қуриб-қурмай ажралишаётганлар келади. Ҳаёт турмушнинг аччиғи нимаю, лаззати нима? Уни етмиш йил турмуш қурган Чори бобо Бибиш момолардан сўранг.

Шу жойда бир ният. Ушбу сатрни ўқиганлар, даврадаги чолни кўрганлар ҳам шу ёшга кириб, ували-жували бўлишсин. Қани фатвога қўл очинг, отахон!

Қурбон АЛИ.

* * *

Сурат муаллифи ЎзТАГ мухбири Ш. ШАРОПОВ. Косон ноҳиясининг Қўнғиробод қишлоғи.

Хориждан хабарлар

Чет эл ёшлари ҳаётидан

● ЛОНДОН. (**ТАСС мухбири Юрий Левченко**). «Биз уларга ёрдам беришимиз лозим» — Британия телевидениесининг энг машҳур «юлдуз»ларидан бири Силла Блэк Чернобиль ҳалокати оқибатида камқонлик азобини тортаётган шуро болаларига ёрдам беришга ана шундай даъват билан чиқди. «Болаларни мен болаларга ёрдам беришга даъват этаман», — деб мурожаат қилди у кичик британияликларга «Дейли экспресс» рўзномаси орқали.

Шу тариқа Силла Блэк бу рўзнома «Чернобиль болалари»га ёрдам фондига пул йиғиш юзасидан ўтказаётган умумиллий кампаниянинг яна бир мутассаддиси бўлди. Кампанияга Британиядаги таниқли маданият арбоблари, шу жумладан машҳур хонанда Клифф Ричардс қўшилган. Чернобиль фондига чорак миллион фунт стерлинг тўплаш мўлжалланган. Бу пуллар дори-дармон сотиб олиш учун сарфланади. Шунингдек, кўчма диагностика лабораторияси сотиб олиш ҳам режалаштирилмоқда. Бу лаборатория болаларни оммавий равишда тиббий кўрикдан ўтказиш учун Белоруссия, Украина ва Россиянинг радиациядан зарарланган ноҳияларига жўнатилади. Ҳозирнинг ўзидаёқ мўлжалдаги маблағнинг деярли ярми — 100 минг фунт стерлинг тўпланди.

Дори-дармонларнинг дастлабки туркумлари Совет Иттифоқига жўнатилган.

«Чернобилда замонамиздаги энг жиддий фожиалардан бири юз берди, — дейди Силла Блэк, кампанияга ўзининг ҳам қўшилиши сабабини изоҳлаб. — Энг ёмони, ҳеч қандай айбсиз болалар унинг қурбони бўлишмоқда, улар ўз соғлиқлари ва умрларини йўқотишмоқда. Менинг уч нафар соғлом ўғлим бор, лекин уларнинг Совет Иттифоқидаги тенгдошлари тўғрисида ўйлаганимда кўзларимга ёш келади. Биз уларга қўлимиздан келганча ёрдам беришимиз лозим».

● БУХАРЕСТ. (**ТАСС мухбири Василий Арбеков**). Мамлакат олий ўқув юртлари талабалар ташкилотларининг Тимишоарда бўлиб ўтган конференцияси Румыния талабалари миллий конференциясини тузиш билан ўз ишини якунлади. Унинг таркибига Руминиядаги 7 та дорилфунун талабаларининг 20 та ташкилоти кирди.

Ромпрес агентлигининг хабар қилишича, Бухарест дорилфунуни талабалари уюшмаси билан Тимишоар талабалар ташкилотлари конвенцияси конференция тугаши олдидан унинг иштирокчиларига мурожаат қилиб, уларни талабаларнинг ялпи иш ташлашини бошлашга даъват этди. Румыния президенти ва ҳукуматининг истеъфога чиқиши асосий талаб сифатида илгари сурилди. Шундан сўнг конференция иштирокчиларининг митинги бўлиб ўтди. Митингда 16 декабрдан ялпи иш ташлаш бошлаш тўғрисидаги таклиф қўллаб-қувватланди. Намойишчилар коммунизмга ва ҳукуматга қарши шиорларни қичқириб айтдилар.

Маҳаллий кузатувчиларнинг фикрича, талабалар бу тадбирни 22 декабрь куни Декабрь инқилобининг бир йиллиги нишонланиши муносабати билан ўтказишмоқда. Бу байрам чоғида оппозициядаги бир қанча сиёсий «партиялар ва ҳаракатлар ҳукуматга қарши йирик намойишлар ўтказишни режалаштирмоқда.

(ТАСС).

ИМКОНИЯТЛАР БОР, ЛЕКИН...

АФИНА (**ТАСС мухбири Игорь Сисоев**). Греция пойтахтидаги «Заппион» конгресслар залининг пешайвони шу кунларда жуда ўзгариб кетди. Бу залда Жаҳон Демократик Ёшлар Федерациясининг 13-ассамблеяси ўтмоқда. Пешайвонда йигит ва қизлар «Бирдамлик бозори» ташкил қилишган. Бу бозордан рангдор календарлар, Жаҳон демократик Ёшлар Федерациясининг рамзи туширилган майкалар ва бош кийимлари, кўкракка тақиладиган нишонлар, ручкалар, калитга осиладиган безаклар, буклетлар сотиб олиш мумкин. Хуллас, бу бозорда кўнгил тусаган ҳар қандай эсдалик буюмларни топиш мумкин. «Бозордан тушган маблағ ёшларнинг турли дастурларини амалга оширишга сарфланади», — деб изоҳ берди Жаҳон Демократик Ёшлар Федерациясининг бош котиби Дьердь Сабо.

Молиявий мустақиллик муаммоси, деб таъкидлади у, ҳозир Федерация учун айниқса, муҳим бўлиб турибди. Яқин вақтларгача Жаҳон Демократик Ёшлар Федерацияси бюджетининг асосий қисмини миллий ташкилотларнинг аъзолик бадаллари ташкил этарди. Албатта, уларнинг улуши турлича эди — бюджетнинг аксарият қисми Шарқий Европа мамлакатларидаги ёшлар ташкилотларининг бадалларидан иборат бўларди. Совет томонининг молиявий иштироки ҳеч қачон бюджетнинг 15 фоиздан ошмаган.

Кейинги вақтларда Жаҳон Демократик Ёшлар Федерацияси ўзи пул ишлаб топишни ўрганаяпти. Кўпгина миллий федерациялар ҳозирнинг ўзидаёқ бу соҳада катта тажриба тўплаган. Улар ўз мамлакатларида турли тадбирлар ўтказиб, аллақачон жаҳон федерацияси бюджетига бадаллар тўлаш ҳамда ўз вакилларининг чет элга сафарларини пул билан таъминлаш учун маблағ топишмоқда, деб таъкидлади Д. Сабо.

Ёшларнинг ўзаро бордикелдиларини, айниқса, ёшлар халқаро туризмини фаоллаштириш яхши истиқболларга эга, деб ҳисоблаяпмиз. Бундан ташқари, биз мавжуд имкониятлардан самаралироқ фойдаланишга уринаяпмиз. Чунончи, жаҳон Демократик Ёшлар Федерациясининг Будапештдаги босмахонаси федерациянинг матбуот нашрларини чиқаришдан ташқари ҳам Венгриядаги, ҳам бошқа мамлакатлардаги бўлак ташкилотларнинг буюртмаларини қабул қилаяпти.

Италия делегациясининг аъзоси Франческо Петреллининг фикрича, молиявий мустақилликка эришиш учун аввало федерациянинг ниҳоятда кўп раҳбар ходимларини қисқартириш керак. Бу ёшларнинг турли компанияларини ташкил этиш учун маблағга эга бўлиш имконини беради.



Яқин вақтларгача Индонезияда рақс фақат диний маросимлар, русумларнинг таркибий қисмигина бўлиб келди. Рисоладагидек ижро этилган рақсни ибодатхонада ёки халқ байрамларидагина кўриш мумкин эди. Бироқ эндиликда халқ ижодиётининг бу турини сайёҳлар мириқиб томоша қилиши учун ҳам имконият яралди. Давлат компаниялари, гоҳ алоҳида кишилар сайёҳлар талабига кўра рақс ижро эта бошладилар.

СУРАТДА: Индонезиянинг Бали оролидаги Сянгападу қишлоғи Пура Пемаксан ибодатхонасида «Бедайя» — саройрақси ижро этилаётган пайтни кўриб турибсиз.

ТАСС сурат лавҳаси.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

«ЭН-ТИ-ТИ»— ЭНГ МИТТИ ТЕЛЕФОН

ЯПОНИЯНИНГ «Ниппон телеграф энд телефон» компанияси дунёда энг митти, энг мўъжаз телефонни ихтиро қилдилар. Бу телефон «Эн-Ти-Ти» деб номланиб, унинг оғирлиги одатдаги телефонлардан 3 марта кичик, яъни бор-йўғи 230 грамм холос. Шунга қарамай, у Японияда жуда оммавийлашмоқда. Шунинг учун унинг 4 турини кўплаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

«Эн-Ти-Ти»ни энергия билан аккумулятор таъминлайди. Унинг токи телефон орқали 45 минут гаплашишга етади.

БЕЛЬГИЯЛИК ПАҲЛАВОН

ВОЛЬТЕР АРФЕЙ Бельгияда яшайди. У яқинда ўзига хос рекорд ўрнатди.

Арфей умумий оғирлиги 154 тонна келадиган, бир-бирига уланган 11 та темир йўл вагонини тиши билан тортиб, ўрнидан қўзғатди. Бу кўрсаткич олдинги ўрнатилган «рекорд»дан 2 тонна кўп.

АШАДДИЙ ШАХМАТЧИЛАР

ФРАНЦИЯЛИК икки шахматчи 92 соату 14 минут танаффуссиз шахмат сурдилар. Бу вақт давомида улар 573 партия ўйнадилар.

ВА НИҲОЯТ ЭРИШДИ

АНГЛИЯНИНГ Вустер шаҳрида яшовчи Ж. Уайт ва ниҳоят 25-марта уринишдан сўнг ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга муваффақ бўлди. У ҳозир 85 ёшда. Ҳайдовчиликда катта тажрибага эга. Бу соҳада унинг 59 йиллик стажи бор. Лекин Уайт шунча йилдан бери автомобилни гувоҳномасиз ҳайдаб юрди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Хориждан хабарлар

Муҳокамага ҳавола қилинган мазкур лойиҳани бирор янги қоида, фикр, таклиф ёки боб билан тўлдирганданкўра, уни бутунлай рад этган маъқулроқ кўринади, назаримизда. Нега?

Лойиҳанинг кириш қисмида айтилгандек, агар бу Шартнома ўтмишдан сабоқ чиқариб тузилаётган бўлса, у ҳолда тузишдан кўра тузмаслик афзалроқдир.

1922 йилдан бери ўтган вақт ичида Иттифоқ ҳокимияти шунчалик ривожлана бордики, жумҳуриятларнинг оддий ҳуқуқ ва манфаатлари эътиборга олинмайдиган бўлди. Ҳамма соҳада якка ҳал қилиш авж олди. Марказий ҳокимиятнинг изнисиз маҳаллий идоралар ҳеч нарса қилишга ҳақли бўлмай қолдилар.

Шартнома лойиҳасига яқинроқ ёндошадиган бўлсак, 1-бўлимдаги Асосий қоидаларда жумҳуриятларни мустақил давлат ва ўз ҳудудларида тўла давлат ҳокимиятининг эгаси, ўз тақдирини ўзи белгилашини, ўзини ўзи бошқаришини, ўз тараққиётини ўзи белгилашини ва мустақил ҳал қилишини эътироф этган бир вақтда 2-бўлимнинг 4, 5, 6, 7, 8, 9-моддаларидаги қоидалар юқорида берилган ҳуқуқ ва имкониятларни йўққа чиқаради.

1-бўлимнинг биринчи бандида, 2-бўлимнинг 1-моддасида жумҳуриятларнинг ИХТИЁРИЙ Иттифоқи кўзда тутилган бир вақтда, уларнинг Иттифоқдан чиқиши назарда тутилмаган ва унинг механизми ишлаб чиқилмаган. Бу эса шартномага ихтиёрийликдан кўра, мажбурийлик руҳини беради.

2-моддадаги Фуқаролик масаласида ҳам ноаниқлик мавжуд. Фуқаролик масаласини ҳар бир жумҳурият ўзи ҳал қилиши керак. Бир жумҳурият фуқаросининг бир вақтнинг ўзида бошқа жумҳурият фуқароси бўлиши — бу ватанпарварлик ҳиссига хилоф, ватангадоликдан бошқа нарса эмас.

3-моддада «жумҳуриятлар ўртасидаги чегаралар фақат улар ўртасидаги келишувга биноан ўзгартирилиши мумкин», деган қоида белгиланган бир вақтда «Иттифоқнинг ваколатлари» тўғрисидаги 5-модданинг 2-бандидаги «ССЖИ Давлат чегарасини белгилаш»ни кўзда тутиш келгусида жумҳуриятларнинг чегараларини ҳам Иттифоқ ҳал қилиши мумкинлигига асос беради. Бинобарин, жумҳуриятнинг ҳуқуқларини поймол қилиб, унинг ҳудудини «чегара белгилаш» ниқоби остида қайта «бичиш» эҳтимолдан холи бўлмайди. Ўтган тарих бунга гувоҳ. Бунинг натижасида ҳозирги кунда кескин бўлиб турган миллий низоларнинг асосий сабаби ҳам Иттифоқнинг ушбу «бичиқчилик» фаолиятидан келиб чиққанининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

4-модданинг 2-бандида «Жумҳуриятлар Иттифоқ мақсадларига зид бўлган ёки Иттифоққа кирувчи жумҳуриятларнинг манфаатларига қарши қаратилган битимлар тузмаслик мажбуриятини оладилар», деган қоида 2-бўлимдаги эркинлик ва ҳуқуқларни йўққа чиқаради ва уларни ички ва ташқи алоқалардаги ҳуқуқларидан маҳрум қилади.

ТУЗОҚ

Фараз қилайлик, ЎзССЖ Японияга сабзавот ва полиз маҳсулотлари бериб, эвазига радио-электроника моллари олмоқчи. Юқоридаги қоидага кўра, Ўзбекистоннинг ҳаққи бўлмайди. Чунки бундай битим РСФСЖнинг манфаатига хилоф келади. Сабаби, Шимолда бу неъматларга муҳтож бўлиб, авитаминоздан тиши цинга бўлиб турсаю, ўзбек японларга витамин берса. Москва бу ҳолнинг дарров чорасини кўради!! !

Агар биргина 5-моддадаги «Иттифоқ ваколатлари»ни санаб чиқадиган бўлсак, жумҳуриятларнинг қарамоғига ҳеч нарса қолмаганини, унинг учун уларнинг «катта акаси» бош қотиришини кўрамиз. Бу ваколатлар рўйхати шунчалик батафсилки, олтин, мармар, гранит, газ, нефть конлари устидан тасарруфни бир ёққа қўя туринг, ҳатто, жумҳурият фуқароси ахлат челагини қаерга қўйиш ёки уни қаерда бўшатишни ҳам Иттифоқнинг рухсатисиз ҳал қила олмайди.

Қонунлар тўғрисидаги 9-модда шундай «от юриш» услубида берилганки, бунинг муаллифлари ўзларини бошқалардан доно ҳисоблаб ёзганлар. Модданинг 2-бандида Иттифоқ қонунлари жумҳурият қонунларидан устун белгиланган бир вақтда, 5-бандида улар ўзаро эътироз билдиришлари мумкинлиги ва бу низони Конституциявий суд ҳал қилиши тўғрисидаги қоида «сиёсий лўттибозлик»дан бошқа нарса эмас. Чунки ўша «адолат» ўрнатувчи суд 9-модданинг 2-бандига кўра, Иттифоқ қонунининг тўғрилигини тасдиқлайди ва мажбур қилади, вассалом! Дардимизни кимга айтамиз?! БМТга чиқа олмасак, бизнинг учун Иттифоқ маҳкамасидаги оғайниларимиз сўзлашади унинг минбаридан. Чунки биз уларга ваколатимизни берамиз.

Борди-ю норози бўлсак, Иттифоқ Президенти 12-моддага кўра мажбур қилади, исботи: Горбачевнинг 1 декабрь ҳарбий масалаларга оид фармони; уни бажармасанг, Бош қўмондонлик лавозимидан фойдаланиб устингга қўшин тортиши мумкин. Негаки, «итоатсиз» жумҳуриятлар Иттифоқ манфаатига зарар етказиб, унинг бутунлигини «бузиш»ларининг олдини олиши лозим бўлади-да.

Жумҳурият фуқароси ССЖИ фуқароси бўлганидан кейин 19-моддага риоя қилиши ва давлат тили ҳисобланган рус тилидан фойдаланиши шарт бўлиб қолади. Мана, Сизга, ўтган йил қабул қилинган Қонуннинг тақдири. Борди-ю, бу тилни эътироф қилмасанг, сенинг устингга юриш қилишдан ҳам тоймайдилар. Бу ҳақда «Известия» рўзномасида «Перевод с русского чем оборачивается языковая непримиримость» (25. 10. 90 йил) мақоласида етарлича дўқ-пўписа, тазйиқ-тажовузлар, ҳаттоки қон тўкилиши мумкинлигига етарлича шовинистик, улуғ миллатчилик, гегемонлик нуқтаи назаридан ишора қилинган» (...за которым может возникнуть и кровь»).

Бундай ҳаракатларни асослашга ва кичик халқларнинг устидан ўз фикрини ўтказишга бизнинг «ҳуқуқий» тузумимизда етарлича асос бор. Негаки, «демократик» принцип озчиликнинг кўпчиликка бўйсунишидир!

Шу ўринда Президент сайлови тўғрисида. Агар Москва варианти бўйича сайлов ўтадиган бўлса, унда биз аминмиз, яқин 200 йил ичида рус бўлмаган бирорта одам Президентликка сайланмайди.

Шу лойиҳани тузувчилар буни яхши билишган. Улар яна ССЖИнинг унитар давлат бўлиб қолиш тарафдоридирлар.

Бизнингча, ССЖИ Президентини ССЖИ халқ депутатлари ҳам, парламенти ҳам сайламаслиги, балки жумҳуриятлар Олий Кенгашларининг тенг сонли депутатларидан иборат съезд сайласа, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур Иттифоқ шартномасининг лойиҳаси башарти жумҳуриятлар томонидан қабул қилиниб имзоланса, бу уларни абадий асоратга солишнинг ҳуқуқий воситасидан бошқа нарса бўлмайди. Бу шартномани имзолаган жумҳурият раҳбарияти ўз халқининг туб манфаатларига, унинг тақдирига хиёнат қилган бўлади.

Бундай хатони ҳеч ким кечирмаса керак. Туркистон ўлкасининг қарийб бир ярим асрлик асоратдан кейин, давр ато қилган қайта қуриш, ошкоралик, демократия неъматларидан фойдаланиб, ўзимизни ростлаб, йўқотган ҳассамизни топиб олмасак, берилган неъматларнинг қадрига етмаган бўламиз.

Биз бутунлай яккаликка тарафдор эмасмиз. Ёлғизлик яратганга хос, дейдилар. Биз ўзаро, тенг ҳуқуқли асосда қурилган, ўзаро манфаатли, амалда тўла суверен-мустақил жумҳуриятлар ўртасидаги алоқаларга тарафдормиз. Шундай бўлгандагина ҳеч бир жумҳурият ёки халқ бир-бирига ола қарамайди, негаки уларнинг муносабати Иттифоқ ҳокимиятининг юзидан ўта олмаганидан, унинг раъйини қилиб эмас, балки бундай алоқалардан ҳар икки тараф ҳам манфаатдорлигидан ва бу эҳтиёжни онгли равишда англаган ҳолда амалга оширади. Шундай бўлганда «фалон жумҳурият бизнинг қарамоғимизда, ундан зерикдик», деган ноўрин дашномлар эшитилмайди. Мустақиллик йўлини тутган ҳеч бир мамлакат очликдан ўлганмас.

Ҳазрати Луқмон ҳаким ўғилларига қилган насиҳатларида, «ўз таомингни ўзгалар дастурхонида ема», деган эканлар. Келинг, биз ҳам ушбу табаррук сўзга амал қилиб, Иттифоқ дастурхонига емакларимизни тўкиб солиб, кейин ундан томизғи тариқасида фонд, лимит, дотация (қарз) олишга чек қўяйлик. Ана шундагина Ўзбекистон Шўролар жумҳурияти Коммунистлар фирқасининг Ҳаракат дастуридаги режаларини амалга оширишимизга имконият бўлади.

Бизнингча, Иттифоқ Шартномасининг тузилиши эндиликда ўзини оқламаган маънавий эскирган, аллақачон тарих архивига топшириладиган бир нарсага айланиб қолган нарса, деб ҳисоблаймиз. Бундай Шартноманинг тузилиши яна орқага қайтиш бўлади.

Т. ЖУРАЕВ,
Ўзбекистон ССЖ халқ депутати.
М. КАМОЛХЎЖАЕВ,
Тошкент шаҳар газмол ва тикув кийимлар савдоси идораси ҳуқуқ бўлими бошлиғи.

ТАҲРИРИЯТДАН: **шу йилнинг 17 декабрь куни Москвада ўз ишини бошлайдиган ССЖИ халқ депутатларининг тўртинчи съезди «Иттифоқ Шартномаси» лойиҳасини муҳокама қилади. Биз эса таҳририятимиз ишчи ёшлар бўлимига келган икки мақолада лойиҳа юзасидан илгари сурилган фикрларни ҳукмингизга ҳавола этаётирмиз. Уларда баҳс-мунозарага сабаб бўладиган жойлари ҳам бор.**

- Осиё ва Оврўпо тақдирини ўзгартирган жанг.
- Темур зафарини шарафлаб.
- Олмония қироллари саройидаги Темур зали.
- «Боязиднинг Темур ҳузурига келтирилиши» асари.

ОВРЎПАНИНГ АМИР ТЕМУРГА МИННАТДОРЧИЛИГИ

ҲАЁТ ҚИЗИҚ ЎЗИ. Ҳар бир нарсага бирор туртки сабаб бўлади. Ушбу сатрларни битмоқ учун оз эмас, кўп эмас мен роса 21 йилдан зиёдроқ вақт кутишим зарурлиги етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган. Кўрган ва эшитганларимни баъзида тор davраларда дўстларимга сўзлаб бергандим, холос. Энди эса уларни сизларга ҳавола этмоқни лозим топдим.

Сабаб дерсиз. Сабаби «Ёш ленинчи» рўзномаси. Ҳа бугунги кунда фақат ёшларимизни эмас, балки бутун элимиз кишиларини ўзига мафтун этаётган, саҳифаларида халқ дилидаги гапларни, орзу-умидларни, воқеа-ҳодисаларга баҳо беришда ўтюракларга хос жасоратни кун сайин кўриб, ҳис этаётган бизлар — шу касбга ҳаётини бағишлаганлар ҳам унга мафтун бўлиб қолдик. Бир кун кўрмасак, хумори тутади.

Баъзи ўта дадил фикрлар учун шу пайтгача ижодкорлардан қанчасининг боши ғурра бўлган экан. Бу фақат тангрининг ўзига маълум. Табиб табиб эмас, бошдан ўтказган табиб, деб бежиз айтмаганлар. Ўринли-ўринсиз ижодий ишга аралашишлар, маза-матрасасиз кўрсатмалар, тагли-тагсиз буйруқлар, беўхшов, қовушмаган тавсия ва кўрсатмалар нима эканлигини билмоқ истасангиз, шу касбда умрини ўтказганлардан сўранг. «Ёш ленинчи»даги жигарларимга ким ўнғай деб ўйласа, ўшаларнинг бошига худди шундай олишувлар тушсин, нафаслари ўткир бўлсин, ихлосмандлари кўпайсин, кўча-кўйда, маҳаллаларда мақолалари талашиб ўқилсин. Учрашиб қолганда, боплаяпсиз, азаматлар, десак, баъзан бизни ҳам боплашяпти, деган жавобни оламиз.

...Одатдагидек, рўзноманинг навбатдаги сонини олиб, иштиёқ билан кўздан кечира бошладим. Касбдошимиз Рустам Раҳмоновнинг «Темур ибрати» мақоласи эътиборимни тортди.

«Ўша кезларда атоқли ёзувчимиз Мирзакалон Исмоилий ҳам офицер-журналист сифатида оила аъзолари билан Берлинда яшаган. Кунларнинг бирида унга бир немис хонадонида Амир Темурнинг султон Боязид билан учрашган пайти тасвирланган катта, рангли санъат асарини кўрганини айтишади. Мирзакалон Исмоилий бориб кўрса, ажойиб сурат: ўртада — тахтда Амир Темур, атрофида аркони давлат, давра марказида олтин қафасда султон Боязид тасвирланган.

Кўнглида уни Ўзбекистонга элтиш фикри туғилади. Бироқ у пайтларда бундай қимматбаҳо ноёб асарни Тошкентга етказиш амри маҳол эканлигини ҳис этиб, афсусланади. Кейинчалик ҳам Мирзакалон ака ўша суратни ҳар гал ачиниш билан эслаб гапирарди».

Юқоридаги битикни ўқиганим-у, худди ёмби топиб олган кишидек, «эҳ, ҳамюртларим, ўкинманглар, афсус-надомат чекманглар, ўша расмнинг қаердалигини мен биламан, унинг яратилиш тарихидан ҳам хабардорман», деб ҳайқиргим келди. Тўғри, балки бир мен эмас, балки бошқалар ҳам билар. Буни Олмонияликлар сир деб сақламайдилар. Бу ерда бошқа сир бўлиши мумкин. Ўзимизнинг ёзувчимиз (45 йилдан олдин) собиқ Германия Демократик Жумҳуриятида хизмат юзасидан ўз соҳаси бўйича раҳбар бўлиб турганлар кимсалар, бу ердан — Ўзбекистондан, балки бутун Ўрта Осиёдан борганларга уни, ўша атоқли ёзувчимизни [illegible] расмни атайлаб кўрсатмаган бўлишлари мумкин, тағин булардан [illegible] деб. Шундай дейишга ўз асос бор, чамамда. Бўлмаса, Мирзакалон оғадек синчков нигоҳли ёзувчи [illegible] топган бўлур эди.

...1969 йилнинг февраль ойида ССЖИ журналистлари уюшмасининг расмий делегацияси составида ОФЖ сафарида бўлдик. Биз, уч киши эдик — «Сельская жизнь» Иттифоқ рўзномасининг ўша пайтдаги масъул котиби Виктор Хохлов, украиналик касбдошимиз Николаев (исми эсимда қолмаганлиги учун узр сўрайман) ва камина. Шу десангиз йўл юрдик, йўл юрсак ҳам мўл юриб, Олмония ҳукмдорларининг ёзги қароргоҳлари бўлмиш Потсдамдаги саройларга етиб келдик. Немис касбдошларимиз бизга таржимон, «Волга» автомашинаси ва ҳайдовчи ажратишганди. Унгача биз жумҳуриятнинг шимоли ва ғарбидаги барча вилоятларда бўлдик.

Юксак дид билан барпо этилган, ҳар бири тенгсиз санъат асарига арзигулик ноёб биноларни, ундаги антиқа буюмларни қизиқиш билан томоша қилардик. Бир пайт навбатдаги хона эшиги олдида экскурсовод тўхтаб қолди. Ҳар биримизга маъноли назар ташлаб чиққач, деди:

— Ҳозир биз, азиз меҳмонлар, сизларнинг юртингиз билан боғлиқ бўлган залга ташриф буюрамиз. Бахтингиз бор экан, бугун мазкур залга кириш мумкин. Бизда уни баъзан Осиё зали, кўпроқ эса Темур зали, деб аташади. Шундай дейилиш боисини ичкарига кирганингиздан сўнг қисқача гапириб бераман.

— Қисқача эмас, илтимос, кенгроқ сўзлаб берсангиз, — деб мурожаат этди москвалик ҳамкасбим Виктор. — Гап шундаки бизнинг орамизда Амир Темур эварасининг эвараси ва яна ундан кейинги эвараси бор, — у менга ишора қилди жилмайиб.

— Ҳали шундай денг, — деди немис аёли. Унинг кўзлари, юзлари ҳам ёришиб кетгандек бўлди, балки менга шундай туюлгандир ўша пайтда.

— Ундай бўлса, ушбу зал тарихи ҳақида билганларимни батафсил сўзлаб бермоқни ўз бурчим деб биламан.

Хуллас, ичкарига кирдик. Мен остона ҳатладиму, қотиб қолдим. Қай кўз билан кўрайки бўйи тахминан ўн, эни беш-олти метрлар чамаси келадиган улкан хона. Шу хонага монанд яхлит туркман ёки эрон гилами тўшалган. Экспонат сифатида ўша — бизнинг кекса авлодларга таниш қайтарилмас нақшлар билан безатилган ҳар бири ўзига хос санъат асари бўлмиш катта мис барқашлар, кумуш косалар, дашшу, қумғон, обдасталар... Бамисоли юртимда деб ҳис эта бошладим ўзимни.

— Амир Темур ким эканлигини, албатта, сизлар яхши биласизлар, — немис аёли назокат билан ҳикоя қиларди. Нимасини биламиз, айниқса, менинг сафардошларим. Босқинчи, талончи, қонхўр. Шерикларимнинг бу ҳақдаги билимлари шундан нарига ўтмасди. Самарқандга бўлган [illegible] бекиёс обидаларни кўрган каминанинг эса бу ҳақдаги фикри андек кенгроқ эди. «Темур тузуклари»ни «Гулистон» ойномасида эълон қилинган қисмини ўқиганман, яна бир қатор ўша пайтдаги мафкуравий доирасида эълон қилинган манбалардан хабардор эдим.

— Ҳозир сизлар кўриб турган бу буюмлар томошабинларда зўр қизиқиш уйғотади, — деб давом этарди немис аёли. — Аслида эса Темур саройидаги буюмларнинг кўпчилиги соф олтиндан ясалган.

Сизларга нима учун, нима сабабдан осиёлик саркарда шарафига Оврўпанинг қоқ марказида бу каби улкан зал яратилган, унга атаб ана у катта ва ноёб расм ишланган, деган савол туғилиши мумкин.

Экскурсовод эътиборимизни зал бўйлаб мослаб, рангли бўёқларда зўр истеъдод билан чизилган расмга қаратди.

— Ҳа, биз, оврўпаликлар улуғ саркарда олдида қарздормиз. Унинг хизмати беқиёс биз учун. Авлод-авлодларимизга бу улуғ зот руҳи ҳурматини бажо келтирмоқ ҳар биримиз учун фарз эканлигини эслатиб турмоқ мақсадида юртимиз ҳукмдорлари — қироллари бу заллар ва вақтида ана шундай савобли ишга қўл урганлар.

Шундан сўнг у зал ва ундаги расмнинг бунёд этилиш тарихини сўзлаб кетди. Мен уни ўша пайтда немис аёлидан қай тарзда эшитган бўлсам, худди шу зайлда сўзлаб беришга ҳаракат қиламан.

— Шундай қилиб десангиз, — ҳикоясини давом этди у, — ўша йиллар — XIV аср охири, XV асрнинг бошлари. Дунёни алғов-далғов қилаётган икки шахс бор эди. Бири Мовароуннаҳрдан чиққан Амир Темур бўлса, иккинчиси эса Туркия султони Боязид. Темурнинг мағлубият нима эканлигини билмайдиган сон-саноқсиз юришлари... У Ўрта Осиё ва яқин Шарқдаги ўнлаб мамлакатларни бирлаштириб, буюк давлат тузди. Боязид эса нигоҳини Ғарбга қаратди. Унинг Оврўпа халқлари билан биринчи йирик тўқнашуви Сербиянинг Косова шаҳри остоналарида юз берди, кетма-кет жанглардан ғолиб чиқиб, Сербия ва Булғорияни босиб олди. 1396 йили Ғарбий Оврўпа мамлакатлари қўшма армиясини тор-мор этгач, ҳаммасининг юрагига ғулғула тушиб қолди. Мамлакатлар ҳукмдорлари кенгашиб, бу балодан қутилиш йўлларини излай бошлади. Ўйлаб-ўйлаб, бунинг йўли битта — у ҳам бўлса Амир Темур, деган хулосага келадилар. Ягона халоскор ўша, ҳа, шу одам.

Оврўполиклар, чунончи, Византия регенти ҳамда Франция қироли Карл VI ўз элчиларини Темур ҳузурига йўлладилар.

Элчилар жаҳонгир ҳузурига келиб, ўз ҳукмдорларининг саломларини ва совғаларини топширади. Айни пайтда Оврўпо мамлакатлари қиролларининг унга нисбатан ҳурмат ва эҳтиромлари чексиз эканлигини айтадилар. Биргина нонкўр Боязид худди шундай йўл тутишга бўйин ёр бермаётганлигини гап орасида кесатиб ўтишади ва бу балони даф қилишда ёрдам беришини илтимос этишди.

Шунда Амир Темур айтган эканки, «Бир қозонга икки қўчқорнинг боши сиғмайди. Ё у қайсар ё мен ҳукмрон бўлишим керак бу дунёга».

Шундан сўнг жаҳонгир аскарларини тўплаб, Туркия қараб йўл олган. Айни пайтда бўлган масофада майда-чуйда жанглар бўлган. Темурни тўхтатиб қоладиган куч йўқдек эди. Боязид бор кучини тўплаб, уни Анқара пойида кутди. Ҳал қилувчи олишув худди шу ерда бўлди. Ҳали инсоният тарихида бу каби катта тўқнашув бўлмаганди. Унинг кўламини шундан ҳам билса бўладики, Боязид енгилиб, 400 минг аскари билан бирга асир тушади.

Шундай қилиб Амир Темур Оврўпони, унинг халқларини, маданий бойликларини Боязиддан қутқазиб қолди. Акс ҳолда неча-неча мамлакатлар вайрон этилган, эллар-элатлар таланган, топталган, хўрланган бўларди.

Ушбу битикларни қоғозга туширишдан олдин Потсдам музейларининг экскурсоводи бўлмиш немис аёлининг айтганларини ўша даврда яратилган тарихий манбаларга қанчалик тўғри келиш-келмаслигини аниқлаш мақсадида «Темур тузуклари»ни яна бир бор варақлаб чиқдим.

«Румга юборган элчим Йилдирим Боязиднинг тескари жавобини олиб келди, — деб эслайди Амир Темур, — Лекин (Боязид) Мисру Шом лашкари мендан енгилганини эшитгач, ўйланиб қолгани ва саросимага тушиб, шошилинч равишда юришга тайёрлана бошлаганини ҳам айтди... Қайсарнинг (Боязид кўзда тутиляпти — И. С.) кўзини ғафлат уйқусидан очиб қўйишим лозим кўринди. Бу хусусда кенгаш ўтказиб, ҳар бир шаҳар ва қабиладан лашкар ва ҳашар чақиртирдим. Лашкар жам бўлгандан сўнг ҳижрий 804 йилнинг ражаб ойида (1401 йил февралда) Озарбайжондан қайсар устига лашкар тортдим... Қайсар тўрт юз минг отлиқ ва пиёда аскари билан менга қарши юзланди. Урушни бошладим ва уни енгдим. Қайсарни лашкари тутиб олиб, ҳузуримга олиб келдилар».

Мана кўрдингизми, бу ерда экскурсовод немис аёли келтирган рақамлар билан шу жангга бошчилик қилган саркарданинг ўзи қолдирган рақамлари бир хилда, яъни 400 минг бўлса ҳам, лекин уларнинг тафсилоти турлича чиқяпти. Яъни экскурсовод асир тушган турк лашкари сони шунча деса, «тузук»ларда эса жангда қатнашганларнинг умумий сони худди шунча дейиляпти.

Лекин жанг бўлганлиги, бўлганда ҳам ҳар икки тўқнашаётган давлатларнинг эмас, балки айтиш мумкинки, бутун-бутун қитъалар — Оврўпо ва Осиё тақдирлари қай тарзда юз бериши масаласи ҳал этилаётганди.

Бу тенги йўқ жангда ўзи қўллаган тактик усулни Темур шундай эслайди:

«Қайсар билан бўлган жангда шундай қилдим; амирзода Мироншоҳ ўнг қанотимнинг сардори эди. Унга Қайсар чап қанотининг рўбарўси ва ёнидан жангга киришни буюрдим. Чап қанотнинг амирлари: амирзода Султон Маҳмудхон ва амир Сулаймоншоҳ эса ёрдамчи юбориб, қайсарнинг ўнг қанотига ҳужум қилишни буюрдим. Ўнг қанотимнинг тархи бўлган амирзода Абу Бакрга эса тепалик устида туриб Йилдирим Қайсарнинг қўл тўдасига от қўйиб, шиддат билан бостиришни буюрдим. Ўзим эса қўл тўдалари ва улус, аймоқ лашкарлари билан қайсар томонга юриш қилдим. Қайсарнинг сипоҳий тўдалари биринчи ҳамладаёқ енгилди. Султон Маҳмудхон (қочаётган) қайсарнинг кетидан қувиб, қўлга тушириб уни менинг даргоҳимга келтирди».

Дунё улуғ саркарданинг ҳарбий маҳоратига, раҳбарлик санъатига яна бир бор тан берди. Оврўпо халқлари эркин нафас олдилар, нолаларини тангри инобатга олиб, улар бахтига Темурни етказганлиги учун яратган шарафига неча кунлар, кунлар эмас, тунлар ҳам ҳамду санолар айтдилар.

Оврўпо мамлакатлари ҳукмдорлари Амир Темурга миннатдорчилик сўзлари битилган мактублар йўлладилар. Франция қироли Карл VI Боязид устидан қозонилган ғалаба катта қониқиш билан кутиб олинганлигини мамнуният билан таъкидлайди. Зотан шундай деб унинг тан олишига барча асослар бор эди. Англия қироли Генрих IV эса ғалаба ила табриклаш билан темурийларни католик дини ҳомийси, шарқнинг ҳукмдори, деб атайди. Британия музейида сақланаётган ва Темур номига юборилган хатда Генрих IV жаҳонгирга мурожаат қилиб, оллоҳ инояти билан бизнинг ва сизнинг умумий душманимиз Боязидни қисқа муддатда тор-мор этганлигингизни эшитиб, ниҳоятда хурсанд бўлдик ва енгил тортдик. Бунинг учун яратган эгамга сонсиз-саноқсиз шукроналар келтирдик, дейди.

Боязид устидан қозонилган зафар шарафига ўтказилган қабул маросимида кўпгина Оврўпо мамлакатларидан, ҳатто Испаниядан элчилар келишди. Улар ўз эл-элатлари номидан Амир Темурга миннатдорчилик сўзларини айтдилар.

Ҳа, улуғ бобомиз юртимизни мўғул босқинчиларидан халос этди, айни пайтда Оврўпани Боязид босқинидан асраб қолди. Булар тарихий фактдир, уларни инкор этиб бўлмайди.

— Бу тарихий воқеани беиз қолдириш асло мумкин эмасди, — яна давом эттирди ўз ҳикоясини немис аёли. — Таҳқирлашлардан қутқарилганлар ўз халоскорига қайси йўл биландир хизматига яраша жавоб беришлари даркор. Одамийлик шуни тақозо этарди. Бу тарихий тадбирда Олмония ҳукмдори ташаббускор бўлиб майдонга чиқди. У Амир Темурнинг буюк зафари шарафига ўз саройлари қаторида махсус зал қуриш ниятида эканлигини эълон қилди. Бино шундай бўлиши кераккки, унинг улуғворлиги, салобатлиги буюк саркардага, унинг хизматига монанд бўлсин. Келгусидаги авлодлар хотирасига етказмоқ мақсадида Темур сиймоси ҳам акс этсин унда.

Оврўпа мамлакатларига чопарлар юборилиб, энг ман-ман деган меъморлар ҳамда рассомларни Олмония ҳукмдорининг ниятини амалга ошириш борасида лойиҳалар учун кўрикда қатнашишга даъват этилди. Ғолибларни катта мукофотлар кутарди. Тарихда қоладиган бу хайрли ишда Олмония, Италия, Франция, Англия, Испания ва бошқа юртларнинг неча ўнлаб донғи кетган меъморлари ва рассомлари иштиёқ ила иштирок этдилар. Бино лойиҳаси бўйича ҳам, Темур сиймоси акс эттирилган расм бўйича ҳам француз мутахассислари ғолиб, деб топилди. Тезда ишга киришилди, кўрибсизки, ҳозир сиз ўзингиз гувоҳ бўлиб турган санъат асарлари бунёд этилди.

Амир Темур тахтда, атрофида аркони давлат. Саккиз ҳабаш елкасидаги қафасда Боязид ғолиб ҳукмдор ҳузурига келтириляпти. Жаҳонгир зафар қучганларга монанд мағрур ҳолатда.

— Темур оёғига тиз чўкиб, турган париваш гўзал ҳолатини кўринг, у Боязиднинг суюкли кенжа хотини. Аёл ўз ҳукмдорининг бир қошиқ қонидан кечишни, ҳаётини сақлаб қолишни худонинг зорини қилиб, Темурга ёлборяпти. Жаҳонгир эса унга қиё ҳам боқмаётир. Унинг икки кўзи Боязидда, худди: «Қайсар, гапимни қулоққа олмагандинг, энди ҳолинг қалай», деяётгандек.

Шу ўринда бир нарсага аниқлик киритмоқчиман — қафас, Мирзакалон Исмоилий айтганидек, Рустам Раҳмонов ёзганидек, олтиндан ясалганлигини узил-кесил айта олмайман. Сабаби ўша пайтда немис аёли бу муҳим деталь ҳақида ҳеч нарса демаган, ёки айтган бўлса ҳам мен уни эсда олиб қолмаганман. Иккинчи тузатиш шундан иборатки, Амир Темур тахтда ўтиргани рост, лекин тахт ўртага ўрнатилган эмас, у — тўрда. Балки шу расмдан кўчирма олган рассом ўзича қўшимчалар киритган бўлиши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас. Атоқли ёзувчимиз расмнинг шу хилдаги аксини кўрган бўлиши мумкин.

Олмонияда бундан 21 йил муқаддам улуғ бобомиз Темур ҳақида кўрган-билганларим шулар. Потсдамдаги саройларнинг бирида жойлашган улкан зал ҳамда унинг деворига ишланган сурат оврўпаликларнинг Амир Темурга мангу миннатдорчилиги рамзи сифатида турибди. Кўплар қатори мен ҳам унинг руҳи олдида қарздорман. Чунки Олмониядан қайтгач, сафар таассуротлари асосида бир туркум очерклар ёздим, лекин улар ичида улуғ бобомизга бағишланган бир сатр ҳам йўқ эди. Мени қарз эзарди. 30—40—50-йилларда эмас, ҳали яқиндагина, қайта қуриш бошланган йилда Мирзо Бобур, Нодирабегим асарларини кўрсатиб, хонлар ва подшолар китобларини чиқараётган, бизга ёт мафкурадаги кишилардан сафларимизни тозаламасак бўлмайди, деб дағдаға қилишганди. Худди 1985 йилнинг ёзида шундай деб огоҳлантиришганди жумҳуриятимизнинг ўша пайтдаги энг юқори лавозимдаги раҳбарлари.

Яна бир мулоҳаза. Италия — Совет Иттифоқи киночилари Амир Темур ҳақида фильм яратишга киришганларидан жамоатчилик хабардор. Унинг сценарийсида юқорида мен ҳикоя қилган лавҳа борми-йўқми — билмадим. Менга қолса, қандайдир йўлини қилиб асар тўқимасига киритиб юборилса, фильм ютарди. Агарда бунинг имкони бўлмаса, Тошкент хроника фильми ёки телестудиядаги дўстларимиз Потсдамга бориб, ҳужжатли фильм яратиб келсалар, халқимиз маънавий ҳаётини бойитишга, тарихимизни, жуда бой тарихимизни асл ҳолида тиклашга катта ҳисса қўшган бўлур эдилар.

Қизиғи шундаки, ушбу воқеалардан, умуман тарихимиздан ўзимизга нисбатан оврўпаликлар кўп ва хўп хабардор. Англия, Франция, Италия ва бошқа мамлакатларда Амир Темурга бағишланган романлар, драматик асарлар, ҳатто опера ва балет ҳам мавжуд. Буни ҳам менга ўша немис аёли айтиб берган (илоё унинг умри узоқ бўлсин — бир сўқир кўзни очганлиги учун). Бизнинг эса тилимиз, ҳа ўша неча бор кесилган тилимиз эндигина қайта чиқаяпти, бу борада атак-чечак қилиб, дастлабки қадамларни (уни ҳам баъзан иккиланиб) ташлаяпмиз. Ажабланмасдан бўлмайди — Пётр буюк, Грозний улуғ, Темур эса босқинчи. Тавба демасдан иложинг йўқ. Бунинг номи синфий нуқтаи назардан ёндошиш эмиш.

Ҳа, оёқ ости қилиш мақсадида атайлаб шундай йўл, диёнатга, адолатга қарши, фанга, тарихга қарши йўл тутилган. Ўзлигимизни англамас эканмиз, том маънодаги, биз кутган қайта қуриш рўй бермайди.

Зеро Амир Темур Ўрта Осиё эмас, балки дунё тарихидаги буюк шахсдир. Яқиндагина Мўғулистонда Чингизхоннинг 800 йиллигига бағишланган байрам умумхалқ тантанаси сифатида кенг нишонланганлигини рўзномаларда ўқидик. Тўғри, Чингизхон ҳам йирик саркарда. Лекин ундан нима қолди? Амир Темурдан-чи? Шуларни ҳисобга олсак, бобомиз қадрини унинг ўз юртида тиклаш савоб ишлигига амин бўламиз. Аждодларимизни билишимиз керак, бу бизнинг улар руҳи олдидаги бурчимиз. Илдизидан айрилган халқ йўқолиб кетишга маҳкум, аксинча ўша илдиздан баҳра олганлар куч тўплайди, қувват олади, ўсади, унади, маънавий покланади. Ана шу покланиш жараёнини тезлатиш, бизга ўхшаш ўз тарихи олдида сўқир бўлганларнинг кўзини очиш мақсадида рўзнома ва ойномаларимиз ўтмишимизга оид, авлод-аждодларимизга оид асарлардан, шунингдек тарихчиларимиз мақолаларидан кўпроқ чоп этсалар, айни савоб иш бўлурди. Манбалар эса етарли.

Исмоил СУЛАЙМОНОВ.

«МОНАКО» — «ТОРПЕДО»—1:2.

Гарчи ўз уйида москваликлар 2:1 ҳисобида ғолиб чиқишган бўлишсада, бу уларнинг кейинги давра ўйинларига чиқишига кафолат беролмасди. Шунинг учун «Торпедо» «меҳмондорчилик»ка борганида одобли бўлиб, қўл қовуштириб ўтирмаслиги керак эди.

Италиянинг «Газетта дело спорт» рўзномаси сал бўлмаса ишқибозларнинг кайфиятини тушираёзди. Рўзнома мабодо ўйин тақдирини 11 метрлик тўплар тепиш белгиласа, унда сўзсиз «Монако» кейинги давра ўйинларига чиқади. Франция терма командаси ва «Монако» дарвозабони Эттори бундай вазиятда ўнта ўта маҳоратли футболчидан ҳам аниқ ҳаракат қилади, деб ёзганди. Этторининг маҳоратига ҳеч қандай шубҳамиз йўқ эди. Хайрият, ишқибозларнинг бахтига иш бунгача бориб етмади.

«Торпедо»нинг сафардаги ўйини ҳам кўпчилик етти қават уйқунинг тагига чўмилганига тўғри келди. Лекин ишқибозлар ҳамиша сергак.


Ўйин майдон эгаларининг ташаббуси Сaричев қўриқлаётган дарвозани бирин-кетин нишонга олиш билан бошланди. Ҳимоячиларимиз гоҳида нотўғри ҳаракат қилиб қолишганида ранжиймиз. Қарши ҳужумдан эса дарак йўқ. Юрак ҳовучлаб ўтирибмиз, нима бўлар экан? Биринчи бўлимда ўйинчиларимиз мезбонларни деярли безовта қилмади. Иккинчи бўлим. Яна «Монако»нинг бирин-кетин уюштирган кескин ҳужумлари. Гоҳ ўнг қанотдан, гоҳ чап қанотдан шулардан биттасининг гол бўлишига сал қолди. Яхшиямки, ҳимоячилар бор. Дарвозага кириб кетаётган тўпни... «Торпедо» ҳам бир-иккита қарши ҳужумлар уюштирди. Шулардан биттаси Гришин Тишков комбинацияси 70-минутда мезбонлар дарвозасига гол киритиш билан якунланди. Голдан кейин «Монако»нинг янада ҳужумга ташланиши аниқ эди. Шундай бўлди ҳам. Кўп ўтмай майдон эгалари ҳисобни тенглаштиришди. Мезбонлар ҳисобни ошириш учун курашишарди. Аммо аксига олиб, улар эмас, меҳмонлар ўзларининг ҳисобига иккинчи голни ёзиб қўйишди. Шундай қилиб, мамлакатимизнинг иккинчи командаси 1991 йил кубок ўйинлари баҳсида курашни давом эттирадиган бўлди.

БИРИНЧИ ҒАЛАБА

Мамлакатимиз хоккей командалари океан ортидаги МХЛ клублари билан ўзаро ўртоқлик учрашувлари ўтказиш бир неча йиллардан бери оммавий тус олган. Воскресенскнинг «Химик» Монреалнинг «Канадиенс» командалари учрашувини томоша қилгани 16 минг ишқибоз йиғилди. Қизиқарли ўтган бу учрашувда Андрей Квартальнов иккита шайба киритиб ва шунча шайбани шеригига узатиб ўйин қаҳрамони бўлди.

Иккинчи бўлимнинг ўрталаригача «Химик» 2:0 ҳисобида олдинда борарди. Кейин Стифейн Ричер, Шейин Корсон ҳисобни тенглаштиришди. Яшкин, Квартальнов, Титов, Трухно ва Зелепукинлар биттадан шайба киритишиб, «Химик»нинг ғалабасини таъминлашди. Канадаликлардан Стефан Лебо учинчи шайбанинг муаллифи бўлди.

Ушбу ўйинда «Химик» ўзининг океан ортидаги биринчи ғалабасига эришди. Бундан олдин улар Лос Анжелос, Сент Луисда мағлубият ва Нью-Йоркда дуранг ўйнашганди.



Иттифоқ бўйлаб

Йигирмадан ортиқ қишлоқ ва шаҳар тўқувчилик устахоналарини бирлаштирган Оренбург жун рўмоллар ишлаб чиқариш комбинатининг маҳсулот бера бошлаганига ҳам 30 йил тўлибди. Сарактош ноҳиясидаги Сариқ қишлоғида ҳам кичкинагина тўқувчилик корхонаси мавжуд.

Мана икки асрдирким қишлоқ аёллари тўқувчилик билан шуғулланишади. Бу уларга авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъана. Лекин ҳозирги ёшлар тўқувчилик касб маҳоратларини эгаллашга унчалик кўнгил бермаяптилар; артель ишидан наф камроқ дейишмоқда. Бир томондан уларнинг гапларида ҳам жон бор. Комбинатга топширган битта жун рўмолнинг пули бозордагидан ўн баравар кам баҳоланса!!!

Оренбургликлар нодир ҳунармандчиликнинг йўқ бўлиб кетмаслигининг олдини олиш учун бир талай ишларни қилишмоқда. Яқинда тўқувчиларнинг биринчи гўзаллик конкурси ва кимошди савдоси ўтказилди. Молнинг қадрига етувчи ва бозор усталари бўлмиш америкалик ишбилармонлар конкурсда намойиш қилинган маҳсулотларнинг катта қисмини ўзлари билан олиб кетишди. Шунингдек, энг моҳир ёш тўқувчиларни АҚШга бепул йўлланма билан тақдирлашди.

СУРАТДА: конкурснинг кумуш совриндори Оксана Ермоленко ўзи тўқиган рўмол билан.

* * *

«Курск ташқи савдо» фирмаси ССЖИдаги энг ёш савдо бўлимларидан бири. Фирма хориж давлатлари билан алоқа қилишни бошлаб юборган.

СУРАТДА (ўнгда): тикувчилар Ольга Зубкова ва Татьяна Шумаковалар хорижга жўнатиладиган янги кўйлакни намойиш қилишяпти.

ТАСС суратлари.



НОГИРОНЛАРГА ИМТИЁЗЛАР

Бухоро вилоят ижроия қўмитаси кўзи ожиз ногиронларга қўшимча имтиёзлар белгилади. Кўз касалликларига чалинган 1745 кишининг ҳаммаси савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг хизматидан навбатдан ташқари фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Ногиронларнинг хоҳишига биноан озиқ-овқат маҳсулотлари хизмат ҳақисиз уларнинг уйларига етказиб берилиши мумкин.

ТВ

14 ДЕКАБРЬ — ЖУМА

● УзТВ I

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 «Дўстлик поезди». Болалар учун фильм-концерт. 12.00 «Дарахт ва унинг новдалари». Телефильм. 12.30 «Такрорий фильмлар экрани. «Жадвалдан ташқари поезд». Бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Чалавой ва Тўлавой». Мультфильм. 18.20 Болалар учун концерт. 18.50 «Шеърият дафтаридан». 19.00 «Мувозанат». 19.30 «Ахборот». (рус тилида). 19.45 «Экран табассуми». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 Тожикистон ССЖ халқ артисти Жўрабек Набиев куйлайди. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Баъзида эслаб қўй». Бадиий фильм («Мосфильм»). 23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

19.00 Кўрсатувлар тартиби. 19.05 «Бу оқшомда» (рус тилида). 20.00 «Пульс». Информацион кўрсатув (рус тилида). 20.10 «Бу оқшомда» кўрсатувининг давоми.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Мулоқот». Телетомошабинларнинг саволларига Тожикистон ЛКЁИ Марказий қўмитасининг биринчи котиби Н. Қ. Қурбонов жавоб беради. 22.40 «Парвозлар даври». Бадиий фильм.

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.00 «Шантаж». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 10.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 11.15 «Лайлакча Кич». Мультфильм. 11.25 «Александр Вертинский: мен уйимга қайтдим». 13.00 «Вақт». 13.40 Коллаж. 13.45 «Эос» грек дастасининг чиқиши. Олмаотадан кўрсатилади.

* * *

17.15 «Образ». Юқори синф ўқувчилари учун адабий кўрсатув. 18.30 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 19.00 Сиёсий мулоқотлар. «Аср». 20.00 «Сенини, шошмай тур». Мультфильм. 4, 5 ва 6-сонлар. 20.30 «ВИД» таништиради: «500 программаси», «Мўъжизалар майдони» капитал томошалари. 21.30 Вақт». 22.00 Коллаж. 22.05 Ички Ишлар вазирлиги маълумотларига кўра. 22.20 «Бу бўлган... бўлганди...». 22.45 «ВИД» таништиради: «Взгляд», Веди», «Эм-ти-ви», «Эльдорадо». 01.45 «ТСН».

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58.
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 20633.